

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Бугунги сонда:

2-бет

Ўзбекистон пахтаи қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҚАРОРИ


4,5 - бетлар

Ҳафталик
телекўрсатувлар
дастури

6-бет

Эрта кетдинг,
дўстим, эрта...

"Дўст билан обод уйинг,
гар бўлса у вайрона ҳам..."



Суратда: Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Пост-патруль хизмати 7-рота командири, милиция катта лейтенанти Саъдулла Исматов (чапдан) ўринбосари, милиция лейтенанти Хусниддин Норхўжаев, экипаж командири, милиция катта сержанти Бахтиёр Мўминов ва милиционер-ҳайдовчи, милиция катта сержанти Анвар Тўрақуловларни Собир Раҳимов тумани бўйича бажарилажак иш режалари билан таништирмоқда.

Х.ШОДИЕВ олган сурат.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

1966 йили Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ички қўшинларининг моторлаштирилган махсус милиция бўлини ташкил этилди, унинг асосий вазифаси — республика пойтахтида жамоат тартибини сақлаш деб белгиланди.

Бўлимнинг ишлари тез орада кўзга ташланиб қолди. Жамоат тартибини бузган 6894 киши ушланди, шулардан 700 нафардан ортиги жиноий хатти-ҳаракатлар содир этган эди.

1980 йили Москвада Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Бутун дунёнинг эътибори ана шу улкан байрамга қаратилган эди. Милиция бўлини Москвага юборилиб, у ерда XXII ёзи Олимпиада ўйинлари пайтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишда қатнашди. Бўлимга майор А.Зиямухамедов командирлик қилган эди.

Собиқ иттифоқ ҳукм сурган охириги йилларда бўлимга миллатлараро ихтилофларнинг қизғин нуқталарида вазиятни юмшатиш бўйича тинчлик ўрнатувчи вазифаларни бажарди.

Сентябрда бу бўлимнинг тузилганига 27 йил тўлди. Шахсий таркиб байрамни муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрди, бўлимга оталиқ қилаётган Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда байрам дастури ишлаб чиқилди.

Байрам кунини ҳам етиб келди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар бошқармасининг


духовой оркестри мадҳияни ижро этди. Тантанани командир, подполковник В.Мамо очди ва босиб ўтилган йўл ва эришилган ютуқлар ҳақида қисқача ҳикоя қилиб берди. Байрамга аскарларнинг ота-оналари, фахрийлар, шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, Ички қўшинлар ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактаби бошлиқлари, туман ҳокимликлари ва ИИБ вакиллари, санъаткорлар таклиф этилган эди.

Тошкент шаҳар ҳокими А.Фозилбеков бўлимнинг бутун шахсий таркибини шаҳар аҳолиси номидан табриклади.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги О.Ҳасанов ўз бурчини бажаришда ўрناق бўлаётган офицер ва аскарларни тақдирлаш ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Улар орасида подполковник С.Тангрибердиев, капитан Н.Насонов, катта лейтенант Ю.Зайцев, катта прапорщик А.Исаев, сержантлар А.Душанов, А.Сазонов, кичик сержант Б.Бўронов, оддий аскар Д.Жумаевлар бор эди. Тошкент ИИББ бўлинига учта телевизор ҳадя этди. Ички қўшинлар кўмондонлиги, фахрийлар, туман ҳокимликлари ва ИИБ вакиллари ҳам бўлимга шаънига хайрли истаклар билдирдилар.

Тантанала қисмдан сўнг йирилганларга байрам палови тортилди. Санъаткорлар уларни ўз санъатлари билан хушнуд этдилар.

Р.СОЛИЕВ,
милиция лейтенанти.



Суратда: байрам дастурхони атрофида.

Муаллиф олган сурат.

Давлат автомобиль назоратининг шу кунлардаги фаолияти

Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари асосий эътиборни йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда жароҳатланишларнинг олдини олишга қаратмоқдалар.

Бугунги кунда Тошкентда 260 минг транспорт воситаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 200 мингта яқини шахсий автомобиллардир. Жами автомашиналарнинг салкам 10 фоизи хорижда ишлаб чиқарилган. Автомобиллар юриши учун мўлжалланган асфальт йўлларнинг узунлиги 2650 километрни ташкил этади.

Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБга яқинда милиция подполковниги Х. Акбаров бошлиқ этиб тайинланди. Ундан пойтахт давлат автомобиль назоратининг бугунги кундаги фаолияти, унинг ходимлари олдида турган муаммолар ва вазифалар ҳақида сўзлаб беришнинг илтимос қилдик.

— Холмат Акбарович, бошқармага яқинда раҳбар бўлиб келган бўлсангиз-да, у билан танишиб чиқишга, унинг муаммоларини таҳлил қилишга улгурган бўлсангиз керак?

— Бизнинг ишимиз ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилишнинг учун рақам ва фикрларга мурожаат қилиш фойдалидир. Мисол учун, йўлларда юз берадиган аварияларни олайлик. Утган йилнинг шу кунгача бўлган даври билан

таққослаганда, йўл-транспорт ҳодисалари 152 тага камайди, йўлларда жароҳатланиш ҳоллари ҳам озаёди. Маст ҳайдовчиларнинг айби билан содир этиладиган авариялар миқдори етти фозга қисқарди. Алоҳида таъкидлаш керак — йўл-транспорт ҳодисаларида кишилар анча кам ҳалок бўлмоқда. Аварияларда ҳалок бўлган кишиларнинг миқдори 17,1 фозга, жароҳатланувчилар — 12,3 фозга камайди. Албатта, бу рақамлар йўл-

транспорт ҳодисаларида азият чекканларга, уларнинг ота-оналари ва яқинларига таскин бера олмайди, лекин фаолиятимизда озгина бўлсада ижобий силжишлар борлигини таъкидлашни зарур деб биламан.

Йўлларда болаларнинг жароҳатланиши аввалгидек жуда ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Бу борадаги рақамлар бизни қувонтира олмайди. Йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг азият чекиши, оз миқдорда бўлса-да, барибир кўпайган.

Бунинг сабаби нимада? Мактабларда йўл ҳаракати қондаларини ўрганиш жуда суст аҳволда, кўп ота-оналар бунга етарлича эътибор бермайдилар, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимлари ҳусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

ҚУВУР ЎҒРИСИ

Урганч тумани "Қўриқлаш" бўлини катта нозир, милиция катта лейтенанти Алланазар Абдуллаев тунда фуқаро С.Баҳодирни қўлга олди. У туман Аграрноат ишлаб чиқариш корхонаси, иссиқхонасидан умумий баҳоси 2272 сўм турадиган 120 метр темир қувурни ўмариб келаётган экан.

ОЗОДЛИКДАН
МАҲРУМ ЭТИЛДИ

Гурлан тумани ИИБга фуқаро Т.Йўлдошев мурожаат этиб, номаълум шахслар унинг уйини шипшидон қилиб кетишганини маълум қилди. Тезда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ИИБ "Қўриқлаш" бўлини махсус ходими, милиция кичик сержанти Гулимат Нуриддиновнинг бу борада олиб борган саъй-ҳаракатлари зое кетмади. У ўғирликка қўл урган шахс туман марказида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган З.Отабоев эканини

аниқлади.

Уғри қўлга олинди. Туман халқ суди уни беш йилга озодликдан маҳрум этди.

ЖОЙИНИ ТОПДИ

Янгиариқлик Шавкат Рўзметовнинг "Восход М" русумли мотоцикли сирли ҳолатда йўқолиб қолди.

Туман ИИБ "Қўриқлаш" бўлини махсус бошлиғи, милиция майори Ҳайитбой Вапоевнинг аниқ ҳаракатлари билан ўғри ушланди. У тумандаги Оқмачит жамоа ҳўжалигинда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган У.Жуманиёзов бўлиб чиқди. Уғри қилмиши учун беш йилга "кесилди".

НИҲОЯТИ

Урганч шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига одам ўлдирилгани ҳақида хабар тушди. Тезкор вакиллар қатори "Қўриқлаш" бўлини махсус ходимлари ҳам қотилини топишга киришдилар. Натижада мамлакатлараро қидирувда юрган жиноятчи — Озод Урдаев аниқланиб, ҳибсга олинди. У маст ҳолда ўз укасини пичоқлаб,

жуфтаникни ростлаб қолганини тан олди. Қотил халқ суди ҳукми билан етти йилга озодликдан маҳрум этилди.

"ЗҲҮР"ДАН ЗҲҮРЛАР
ҲАМ БОР

Янгибозорлик Ғойибназар Матниёзов жамоат жойида маст ҳолда тентираб юргани етмагандек, тўс-тўполон кўтариб, оёсини таланиб бузди.

"Қўриқлаш" бўлини махсус ходимлари зўравонни ушлаб ИИБга келтирдилар. Текширув пайтида унинг ёнидан 38,9 грамм наркотик модда чиқди. Ғ.Матниёзов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Маҳмуасининг тегишли моддаси билан 3 йилга қамалди.

ҚОРА КУРСИ УНГА
ТАНИШ

Шу йил 20 март кунини Дўжба шаҳридаги Оғаҳий кўча, 28-уйда яшовчи Э.Ковалевнинг хонадонидан қимматбаҳо нарсалар ўғирлаб

кетилди. Шаҳар ИИБ "Қўриқлаш" бўлини махсус бошлиғи, милиция майори Уктам Давлатов ишни тўғри ташкиллаштириб, ўғрининг изига тушди. Натижада ўғри қўлга олинди.

У илгари судланган Р.Машарипов бўлиб чиқди. Суд Р.Машариповни бу қилмиши учун 3 йилга "сийлади".

БОДРИНГ НАСИБ
ЭТМАДИ

Янгибозор тумани ИИБ "Қўриқлаш" бўлини махсус бошлиғи, милиция лейтенанти М.Ҳатамов постларини айланиб юриб, йўловчи Альфия Жалоловнинг ҳаракатларига эътиборини қаратди. У текширувдан ўтказилди. А.Жалолова "Бўстон" жамоа ҳўжалигининг консерва заводидан 16 банка ҳар хил компот ва тузланган бодринг ўғирлаб кетаётган экан. Уғирлик Альфияга қимматга тушди: 10 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Хоразм вилояти ИИБ
"Қўриқлаш" бўлини
хабарлари.

ИККИ ЖУМА
ОРАЛИҒИДА

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг "1993
йилги пахта ҳосилини йиғиб-
териб олишга тайёргарликни
туғаллаш ва уни уюшқоқлик
билан ўтказиш тадбирлари
тўғрисидаги" қарорининг
бажарилишини таъминлаш, янги
пахта ҳосилини тайёрлаш ва
қайта ишлаш даврида уни
ёнгиндан муҳофаза қилиш
мақсадида "Ўздав-
пахтасаноатсотиш" ак-
ционерлик уюшмаси Ўзбекистон
Республикаси Ички ишлар
вазирлиги билан биргаликда

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1993 йилнинг биринчи октябридан биринчи ноябрга қадар "Ўздавпахтасаноатсотиш" тизимдаги пахта тозалаш (каноп) заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари, пахта базалари, корхона ва ташкилотларида ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилишини эълон қилади.

2. Пахта хом ашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш даврида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун ойлик давомида қуйидаги тадбирлар амалга оширилсин:

2.1. "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмасининг тайёрлов ва ишлаб чиқариш-техника бошқармалари, моддий-техника таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин хавфсизлиги бўлимлари:

— "Қамолот-ЧМЖ" фирмаси Литва Республикасининг "Стерна" фирмаси билан ҳамкорликда яратган пахта тозалаш корхоналарида, ишлаб чиқариш жараёнида дастгоҳ ва ҳаво қувурларида пахта заррачасида ёнгин чакнови чиққанлигидан огоҳлантириш ва унинг тарқалишининг олдини олиш учун яратилган махсус қурилманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар пахта тозалаш корхоналарида жорий этилиши таъминлансин;

— пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктларидаги дастгоҳ ва кичик механизация воситаларини ёнгин хавфсизлиги қонун ва қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ишлатилишга транспортёр, РБХ ва РБД операторлари билан ёнгин хавфсизлиги тўғрисида йўриқнома ўтказилиши назорат этилсин;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар "Давпахтасаноатсотиш" акционерлик бирлашмаларининг ёнгин автомашиналари, ЭШН-600 маркали электр насосларига, артезиан кудукларидан сув тортувчи ИЦВ-8-10

Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг

ҚАРОРИ

13—1340 29-1-675

30 сентябрь 1993 йил.

маркали насосларига ва сув енгларига (рукава) бўлган талаблари қондирилсин;

— мастўл ходимлар ва мутахассислар ёнгин хавфсизлигини ўтказиш юзасидан тадбирларни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят "Давпахтасаноатсотиш" акционерлик бирлашмаларига хизмат сафарига юборилсин;

— пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларидаги янги пахта ҳосили ғарамлари ва омборлардан ташқарида пахта маҳсулоти брезентлар билан ёпилган ҳолатда сақланиши таъминлансин.

2.2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар "Давпахтасаноатсотиш" акционерлик бирлашмалари, пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари:

— ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш даврида ёнгин назорати давлат идораларининг киритилган йўл-йўриқларининг тўла ҳажмда бажарилиши таъминлансин;

— пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктлари худудида ёнгинга қарши зарур тартибнинг сақлаб турилиши таъминланиб, техник носозликлари бўлган кичик механизация воситалари ҳамда ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишга йўл қўйилмасин;

— ўт ўчириш автомашиналари ва моторли помпаларни ишга яроқли аккумуляторлар билан таъминлаб, зарур вақтда ишлатиладиган захира енгилги тайёрлансин. Электр ўт ўчириш насослари керакли анжомлар билан бутлаб қўйилсин;

— пахта тозалаш заводлари ҳузуридаги пахта тайёрлаш пунктларининг хом ашё сақланадиган зоналари ўт ўчириш учун етарли сув, телефон алоқаси билан таъминлансин. Пахта қабул қилиш даврида касбий ёнгинга қарши отряд ходимлари ва ўт ўчирувчилар, қўнгилли дружина аъзоларининг кечаю кундуз навбатчилик қилиши ташкил этилсин;

— пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктларида ишлайдиган ишчилар, ҳайдовчилар, муҳандис-техник ходимлар билан ёнгиннинг олдини олиш қоидалари ўрганиб чиқилсин, ундан ташқари давлат ва жамоа ҳўжаликларида пахта қабул қилиш пунктлари ва пахта тозалаш заводларида пахта топшириш ва уни ғарамлаш учун келадиган ишчи, колхозчи, автомашина ва трактор ҳайдовчилари учун ёнгинга қарши кўргазмали ташвиқот плакатлари билан жиҳозланган хоналар ташкил қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан сақлаш бошқармаси:

— пахта хом ашёси тайёрлаш ва қайта ишлаш даврида унинг оловланишига ёрдам берадиган сабаб ва шароитларни ўрганилган ҳолда, пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктларидаги ёнгинга қарши ҳақиқий ҳолатни таҳлил этиш асосида махсус телекўрсатув уюштирсин;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёнгиндан сақлаш бошқарма ва бўлимларининг ходимлари ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказишда амалий ёрдам беришга ва пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктларида ёнгинга қарши назоратни кучайтиришга жалб этилсин;

— Ўзбекистон Республикаси қўнгилли ўт ўчириш жамияти ва уларнинг тизимидаги ташкилотлар билан биргаликда пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктлари ёнгинга қарши ташвиқот плакатлари ва варақалар билан таъминлансин;

— "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмасига қарашли ташкилотларда ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисидаги режалар ва амалий ишлар Республика марказий газеталарида чоп этилиши таъминлансин.

3.1. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги,

Тошкент шаҳри

вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёнгиндан сақлаш бошқарма ва бўлимлари, шаҳар ва туман давлат ёнгиндан сақлаш бўлима ва инспекция нозирлари:

— пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктларида ва пахта қуриш майдонларидаги ёнгинга қарши ҳолатнинг мунтазам равишда текшириб турилиши таъминлансин;

— ёнгин хавфсизлиги ойи давомида барча пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов пунктларида шартли ёнгинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш юзасидан амалий машқлар ва машгулотлар ўтказилиб, бунга маҳаллий касбий ўт ўчириш қисмлари ҳамда ўт ўчирувчилар қўнгилли дружиналарининг аъзолари ҳам жалб этилсин;

— давлат автомобиль назорати ходимлари билан биргаликда пахта ташиш учун ажратилган автомашиналар ва тракторлар техник ҳолатини текшириш юзасидан рейдлар ташкил этилиб, техник носозликлари бўлган ва учқун ўчиргичлари бўлмаган транспорт воситаларидан фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўрилсин;

— ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш қандай бораётгани тўғрисидаги материалларнинг вилоят ва туман газеталари саҳифаларида мунтазам равишда ёритилиши таъминлансин.

Вилоят ва туман алоқа бўлимлари орқали радиосуҳбатлар эшит-тирилиши ташкил этилсин.

4. Ёнгин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этганлик ва объектиларни ёнгиндан хавфсиз ҳолатга келтирганлик учун "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси рағбатлантирувчи 15 та мукофот белгилайди:

— биринчи мукофот: ЗИЛ-130

"Ўздавпахтасаноатсотиш"
акционерлик уюшмасининг
бошқарув раиси
Э.ЗИКРИЕВ

ёнгин автомашинаси ва 300 минг сўм — пахта тозалаш заводи жамоаси учун;

— иккита 250 минг сўмлик мукофот — пахта тозалаш заводлари жамоаси учун;

— бешта 200 минг сўмлик мукофот — пахта тайёрлов пунктлари жамоаси учун;

— иккита 100 минг сўмлик мукофот — вилоят бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (гурухлари) учун;

— иккита 250 минг сўмлик мукофот — вилоят ички ишлар идоралари ёнгиндан сақлаш бошқарма ва бўлим жамоалари учун; — тўртта 150 минг сўмлик мукофот — шаҳар ва туман ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг давлат ёнгин назорати нозирлиги ходимлари учун.

5. Белгилаб қўйилсинки, ёнгин хавфсизлиги ойлиги якунларини чиқариб, совриндорларни аниқлашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

— ёнгин назорати давлат идораларининг йўл-йўриқларини тўла ҳажмда бажарганлиги;

— ёнгинга қарши захира сув билан таъминлаш манбалари, ўт ўчириш техникаси ва ёнгинга қарши ускуналарнинг доимо шай ҳолатда бўлиши;

— ишчилар ва хизматчилар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билиши ва уларга риоя этиши;

— корхона касбий ўт ўчирувчиларининг ўз хизмат вазибаларини билиши ва юксак жанговар тайёргарлиги;

— корхонада ёнгинга қарши зарур тартибнинг доимо сақлаб турилиши.

Ёнгин хавфсизлиги ойлигини масъулиятли ўтказиш ва уни якунлаш учун қуйидаги тартибда ташкилий қўмита тузилсин:

— "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи муовини Р. Х. Туробов, уюшма касаба қўмитасининг раиси Ғ. М. Толипов, Ўзбекистон ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи А. Ҳ. Ёқубов, бошқарманинг давлат ёнгин назорати бўлими бошлиғи С. Т. Убайдуллаев ва "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин хавфсизлиги бўлимларининг бошлиғи К. О. Ёркулов.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги 1993 йил 15 ноябргача якунлансин.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар Вазирли
3. АЛМАТОВ.



ЖОРИЙ йилнинг август ойи мобайнида Қўйлик бозорида тўрт бор жиноят содир этилди. Миробод тумани ИИБ 1-шаҳар милицияси ходимлари — милиция катта лейтенантлари Нуъмонжон Маматов ва Баҳодир Норқуловлар томонидан ҳар тўрт жиноят ҳам вақтида очилди. Бунда, албатта, юқорида номларини келтирганимиз — милиция ходимларининг ички ишлар ходими

сифатида тўплаган тажрибалари қўл келди. Н.Маматовнинг эгига милиция формасини кийганига ўн беш йил бўлди. Б.Норқулов эса беш йилдан буён шу хизматда. Нолиш йўқ. Суратда: Н.Маматов ва Б.Норқуловлар чайқовчиликка қўл урган опахон билан суҳбатлашганлар.

Б.Холмирзаев олган сурат.

Бостириб бориб... қочиб кетишди

Рустам Юсупов 1973 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 18-навқирон йигит ёшида. Ҳеч қерда ишламайди. Бекорчидан худо безор деганларидек, Рустам ҳам бекорчиликдан ўғирликка қўл ура бошлади.

1991 йилнинг 17 октябры кун Рустам фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш мақсадида вояга етмаган К. Исаев ва Б. Абдуқодировларни ўзига шерик қилиб олиб, тахминан соат ўн олтилар чамасида Зангиота туманида истиқомат қилувчи Маҳмудовлар хонадонига бостириб киришди. Улар катта ёшдаги хонадон соҳибларининг уйда йўқлигини олдиндан билишарди. Босқинчилар ҳеч ким танимаслиги учун юзларига ниқоб тутиб олишганди. Уйда Маҳмудовларнинг фарзандлари Хуршида ва Ҳафизалар

ўтирардилар. Босқинчилар қизалоқларни пичоқ билан қўрқитиб, уйларидаги тилла буюмларни топиб беришини талаб қилишарди. Бирор натижа чиқмагач, ўзлари уй ичини титкилашга тушадилар.

Шу пайт ташқаридан эшик тақиллаб қолади. Босқинчилар буни қутипмаганди, шунданми қаттиқ безовталаниб, шоша-пиша уйнинг деразасидан сакраб, жуфтакни ростлайдилар.

Уйга қизларнинг отаси келган эди, воқеани билиб, тегишли жойга хабар беради. Қизлар босқинчиларнинг бирини эслаб қолишганди. У Рустам Юсупов эди.

Тергов давомида ҳаммаси ойдинлашди. Жиноятчилар айбларига иқдор бўлишди ва тегишли жазони олдилар.

Зокиржон ШАРИФ.

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИНИНГ ШУ КУНЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ

(Боши 1-бетда).

— ДАНБ фаолияти яхшиланганининг сабаблари нимада деб биласиз ва бундан кейинги ишларингиз қандай ташкил этилади?

— Бирор янги усулни ўйлаб топишга, менимча, ҳеч қандай асос йўқ. Биз аввалгидек асосий эътиборни йўл-транспорт ҳодисалари ва йўлда жароҳатланишларнинг олдини кенг миқёсда ва бир ёқадан бош чиқариб олишга қаратамиз.

Ҳозирги вақтда кадрларни танлаш ва тарбиялашга катта эътибор бераямиз. Нозирларимиз орасида касбий томондан суст тайергарлик кўрган, виждонсиз, гоҳида олгир бўлган ходимлар ҳам учраб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса шикоятларга, ДАН нозирлари, ҳайдовчилар ва йўловчилар ўртасида ихтилофлар, бир-бирларини тушунмасликлар юз беришига сабаб бўлмоқда.

Ходимларнинг шаҳодат-ланиши вақтида шахсий таркибнинг низомлар, қонунлар, фармонлар, қоидаларни қандай билиши имтиҳон қилинмоқда. Ходимларнинг ҳаммасига беишисно жуда талабчанлик билан ёндашмоқдамиз, ўз вазибаларини уддалай олмаётган, ўз касбий кўникмаларини оширишга интилайдиган кишилар ички ишлар идораларидан бў-шатилмоқда.

Давлат автомобиль назоратига ёшлар ишга келмоқда. Ҳозир пойтахт ДАНБда етарлича касбий малакага эга бўлмаган қарийб икки юз янги ходим бор, шунинг учун гоҳида қисқа вақт ичида зарур кадрларни тайёрлаш учун ҳамма ишларни қилмоқдамиз. Тошкент ИИББ ҳузурида ички ишлар идоралари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича куллий-нинг ташкил этилгани бунга кўп жиҳатдан ердан беради.

Энг кўп миқдорда фойдаланиш учун куч ва воситаларни бир текисда мақсадга мувофиқ тақсимлаш — муҳим вазифадир. ДАНБ ил-тимосига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги 15 нозирлик ўрнини ажратди, улар жойлардаги ишни кучайтириш учун туман бўлиналари тақсимланади. Улар биринчи навбатда болаларнинг йўлларда жароҳатланиши олдини олиш билан шуғулланишлари, бунинг учун эса мактаблар, халқ таълими бўлимлари билан яқиндан алоқа ўрнатилиши керак.

Йўл ҳаракати қоидаларини тез-тез бузадиган ҳайдовчилар алоҳида назорат остига олинди. Нозирлар талонга белги қўйиш билан қийолашмайди, улар суҳбатлар ҳам ўтказадилар, зарур бўлганда танбеҳ ҳам берадилар. Албатта, нозирлар йўл-транспорт ҳодисалари юз берган жойларга борадилар, уларнинг сабабларини аниқлайдилар. Ишимизда замонавий техниканинг ердами катта бўлмоқда. Туман ДАН бўлилари компьютер-терлаштирилмоқда, Мирзо Улуғбек туманида бунга биринчилар қаторида киришдилар.

— Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун белгиланган, бир йилдан буён амалда бўлган жарималар тизими ҳақида нима дея оласиз?

— Бу масала тилга олинганда одатда жарималар миқдори кўзда тутилади. Бу хусусда шундай дейишим мумкин:

— йўл-транспорт ҳодисалари юз берган жойларга кунига бир неча маротабадан бориб, жароҳатланган болалар, катталарни, уларнинг қариндошлари ва яқинларининг кўз ёшларини кўрарканман, жариманинг миқдори тўғрисида

сўз юритишни ўринсиз деб биламан. Йўлларда авария ҳолатини яратадиган масъулиятсиз ҳайдовчилар ва йўловчиларни жазолашни кучайтириш, уларнинг онглилик даражасини ошириш хусусида эса сўзлаш лозим.

— Автотранспорт оқимининг кўпайиши билан шаҳарда вазият анча ёмонлашди. Бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилаёсиз?

— Шаҳар автомобиль йўлларида кўча диагностика лабораториялари ишламоқда, уларнинг ходимлари давлат автомобиль назоратининг “Экология” взводига киради. Улар шаҳарга асосий кириш йўлларининг ҳаммасини назорат қиладилар, автомобиллар чиқараётган газларнинг заҳарлилиги, ёқилғи ускунасининг соз-носозлигини текширадилар, шу ернинг ўзида камчиликларни тузатишга автомобиллар Тошкентга йўл олади.

Лекин давлат автомобиль назоратининг бир ўзи ана шу муаммони ҳал қила олмади. Кўпинча “Икарус” автобусининг ортидан қоп-қора тутун кўтарилади. Кондициясиз солярка ёниши натижасида ана шундай тутун ҳосил бўлади. Автокорхоналарнинг кўпчили-гида ёқилғи албатта ўн кун давомида тиндирилиши керак бўлган махсус идишлар йўқ. Автобуслар кўп йиллар давомида янгиланмади, ёқилғи ускуналари ҳам. Кўпчилик корхоналарда газ-тутун ўлчагичлари ишлатилмади. Агар ДАН ходимлари йўл ҳаракати қоидаларига қаттиқ амал қилганларида, авто-корхоналарнинг кўпчилиги аллақачон ёпиб қўйилар эди.

Албатта, қоидадан истисно ҳоллар ҳам мавжуд. Масалан, 7-автопарк Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, экологик жиҳатдан тоза ҳисобланувчи автобуслар билан аста-секин бутланмоқда. Шаҳар экологияси софлиги умумий муаммо бўлиб, уни биргаликдаги куч-ҳаракатлар билан ҳал қилиш зарур.


— Холмат Акбарович, яқинда пресс-автоклубнинг фаолиятини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди...

— Оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш факат фойда келтиради. Кишилар оғир хизматимиз ҳақида кўпроқ нарсга билишлари керак ва бунга ҳақлидилар.

Жамоатчилик ерданидан жуда умидвормиз. Чунончи, яқинда Шайхонтоҳур туманидаги Маннон Уйғур номли маҳаллада ДАНБ раҳбарларининг маҳалла фаоллари ва аҳолиси билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Энди биргаликда ишлаб чиқилган графикка мувофиқ кўнгилли ёшлар кўчаларда навбатчилик қилиб, ДАН нозирларига ердан берадилар.

Хуллас, ишимиз жуда кўп. Бунинг устига деярли ҳар кун тўрт-бешталаб хорижий делегацияларни кутиб оламиз. Уларнинг шаҳар кўчаларидан юришида ҳамроҳ бўлиш, хавфсизлигини таъминлаш биз-нинг вазифамизга киради.

Шаҳар давлат автомобиль назоратининг техника билан жиҳозланиши хусусига келсак, яқин вақт ичида паркимиз янги хизмат автомашиналари билан тўлдирилади. Республика ИИБ қарорига кўра Туркияда ишланган автомобильлар ва “Мерседес”лар бизга берилади. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ердами туфайли шаҳар компьютер тармоғи созиламоқда, замонавий алоқа воситалари билан таъминланмоқда. Қисқаси, истикболга ишонч билан бокмоқдамиз.



Тошкент вилояти ИИБ ДАН 3-рота нозир, милиция сержанти Биржон Абдурахмоновни кўпчилилик ҳушёр, талабчан ва ўз касбининг жонкуяри сифатида ҳўрмат билан тилга олишади. У ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда намунали хизмат кўрсатиб келаяпти.

Сўрада: милиция сержанти Б. Абдурахмонов навбатдаги хизмат пайтида.

Нурмухаммад АЛМУРОДОВ
олган сурат.

“Барибир биз кучлимиз”

Марғилон қадимий ва навқирон шаҳар. Аҳолиси кўп, келиб-кетувчилар эса ундан ҳам бисёр. Тинчлигимиз посбонлари бўлиш — милиция ходимларининг ишлари ҳам бу ерда ўзига яраша. Шаҳар ички ишлар бўлимига кириб борарканмиз, мақсадимиз — аҳолининг тинчлигини сақлаш борасида осойишталик посбонлари шу кеча-кундузда олиб бораётган ишлар билан танишиш, илғор тажрибаларини оммалаштиришдан иборат эди. Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Икромжон Қўлдошев муддаоимизни тинглаб, аста гап бошлади.

— Шаҳримизнинг ўзига яраша хусусиятлари мавжуд, — дейди у.

— Бу ерда савдогарчилик ниҳоятда ривожланган. Шаҳар аҳолиси ҳам, бу ерга келиб-кетувчиларнинг кўпчилиги ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланишади. Шу боис биз, ички ишлар ходимлари кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашимизга тўғри келаяпти. Ўтган йилнинг биринчи ярмида шаҳарда 608 та жиноят содир бўлган. Бу йил эса бу кўрсаткич 489 тани ташкил этди. Жиноятлар сони камайиб, уларнинг очилиши ортди. Хабарингиз бор, бошқа жойларда бўлгани каби бизда ҳам рўқетчилар пайдо бўлган. Ўтган йилдан бошлаб Бобур исмли шахс бошлиқ 38 нафар рўқетчи, Баҳром исмли шахс етакчилигидаги 10 нафар товламачилар гуруҳи ниҳоят қўлга олинди. Улар муттасил одамлар тинчлигини бу-зиб, ўз фаровонликлари йўлида ҳар қандай ҳаром ишлардан ҳам тап тортмай келган эдилар.

Бундан ташқари 23 нафар порахўрни фош этишга муваффақ бўлиди. Бўлимга ходимларидан милиция майорлари Мухтор Кенжабоев, Акрамжон Йўлдошев, милиция катта лейтенантлари Абдурахмон Машарипов, Боқижон Йўлдошев, милиция капитани Юнусали Расулов, милиция лейтенанти Олимжон Ёқубовлар

номини биз бугун фахр билан тилга оламиз. Қолаверса, милиция ишига жойлардаги маҳалла кўмиталари, оқсоқоллар, ёшларимиз ҳам яқиндан кўмак бераётдилар. Биз уларнинг кўмакларидан беҳад мамнунмиз.

— Шахсий таркибда 405 нафар йигитларимиз бор, — дейди шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ ўринбосари, милиция подполковниги Турсунбой ҳожи Эрматов суҳбатга қўшилиб, — уларнинг ҳаммаси ўтюррак, тезкор. Бундай йигитлар билан одатда қийналмай ишлайсан. Биз эса милиция ходимларининг самарали меҳнат қилишлари ҳамда кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун тинмай барча имкониятларни ишга солаётимиз. Яқинда бизнинг бўлимимизга иккита “Тико” русумли хизмат машинаси берилди. Шаҳар ҳокимлиги эса ходимларимиз учун учта квартира ажратди. Биттасида ходимимиз Зикриёхон Раҳмонов уй тўйини ўтказди. Қолган иккитасини ҳам шу кунларда оламиз.

Шундан сўнг биз суҳбатга иктисодий жиноятчиликка қарши кураш мутасаддиси, милиция майори Мўминжон Акбаровни тортдик.

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, — дейди М. Акбаров, — бизда савдо яхшилангани билан

унинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Ҳамон молларни яшириб сотиш, харидорлар ҳақиқа ҳиёнат қилиш ҳоллари юз бериб турибди. Яқинда боғча мудираси Фира Гителни пора олаётганида қўлга туширдик. Бундай нохуш ҳолатларга қарши курашни кучайтираёмиз.

— Жиноятчилар йўлига гов солаверамиз, — деб суҳбатга қўшилди жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Баҳодир Ҳамдамов. — Аслида жиноятчилар кучли эмас. Биз кучлимиз. Чунки халқ биз томонда.

— Бизнинг участкамизда — Ипакчилар шаҳрида 35 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди милиция капитани Юнусали Расулов.

— Жонкуяр милиция ходимларимиз билан бирга ниҳоятда фаол 16 нафар жамоатчиларимиз ҳам мавжуд. Улар кучи билан 5 нафар гиёҳванд Самарқанд шаҳрига даволаниш учун юборилди. Саккизта ўғри фош этилди.

Суҳбатимиз шу тариқа анчагача давом этди. Биз билан суҳбатда бўлган барча милиция ходимлари шу тариқа ўзларининг қувонч ва таъшишларини ўртоқлашдилар. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами шаҳарда кенг нишонланганини, бу ишда, айниқса, милиция ходимлари фаол иштирок этганликларини фахр билан сўзлаб беришди.

Ҳа, шаҳарда жиноятчилик йил сайин камайиб бормоқда. Тўғрироғи, жиноятчиларнинг “каласига ўт тушди”. Бу осойишталик посбонларининг катта ютуғидир.

Абдухамид АҲМЕДОВ.

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Наманган шаҳар, Л. Толстой кўчасида яшовчи Олим Юсупов 26 ешга кирган бўлишига қарамай, ҳали ҳам ўзича меҳнат қилишга эрта деб ҳисоблайдими еки бўйни йўғонлик қилиб этилгиси келмайдими, ҳарқалай бекорчи. Бекорчиликдан эса ҳар бало чиқши маълум.

Масалан, у шу йил 19 август кунини ичиб олиб, Беруний соҳили яқинида жойлашган 2-поликлиникага келди ва врач Нодира Камоловнинг хонасига кириб, касаллиги ҳақида шикоят қилди. Камолова ҳамкасби Гулнора Шарипова билан бирга Юсуповни кўздан кечиришиб, шифохонага йўлланма езиб беришди. Сўнгра врачлар уни кузатиб чиқишди. Хонада ҳеч ким қолмаганидан фойдаланган Олим секингина қайтиб кириб, Камоловага қарашли бўлган зарли шахмат атлас қўйлак ва рўмонни қўйинига уриб қўйиб бўлди. Уғирлик молларни уйига ташлаб келди. Лекин бу ҳам камлик қилган экан шекилли, поликлиника олдида туриб олиб, ёмон сўзлар билан сўқиниб, бақириб фуқаролар тинчлиги буза бошлади. Уни милиция ходимлари тинчитиш-ди.

ЎЗИ ПИШИРГАНДИ, ЎЗИ ЕЙДИ!

Наманган шаҳрининг гавжум Дўстлик шох кўчасида янги “Дўстлик” бозори бор. Бу бозорнинг довруги кўпгина вилоятларга тарқалган. Чунки бозорда ҳамма нарсга мавжуд.

Бозор таърифини эшитган кўқонлик М. Мавлонов ҳам бозорга келган. У туёна қилиш мақсадида яхши ният билан ҳар метрини 1 минг сўмдан 12 метр атлас сотиб олди. Қилган харидидан кўнгли кўтарилиб бозорни айланди. Тўсатдан меҳмон олдида оқ дўппи кийган бир йигит чиқиб уни тўхтатди ва гапиришга ҳам улгуртирмай қўлидаги сумкасини юлқиб, йўлни чагитганича кўздан қўйиб бўлди.

Меҳмон кўп ўйлаб ўтирмасдан дарҳол милиция ходимларига мурожаат қилди. Қидирув ишлари узок вақтни талаб этмади, талончи сира уялмай матонин бўйинига осиб олиб сотмоқчи бўлиб турганида ушланди. Талончи 21 ешга кирган бекорчи Аъзамжон Шамсиддинов экан. У ўз қилмишидан пушаймон эканлиги, бошқа қайтармаслигини айтди, лекин ўзи ниширган ошини ўзи ичиши керак.

Б. КАРИМОВ,
вилоят ИИБ ходими.

ҚУРУҚ СУТДАН ҚУРУҚ ҚОЛДИ

Шу йилнинг 11 сентябрида Янгиобод шаҳар ИИБга қарашли “Қўриқлаш” бўлимида иш одатдагидай давом этарди. Тахминан соат ўн саккизларда “Ором” чойхонасининг қўриқлаш сигнали ишлаб кетди. Марказий пулът назорати бошлиғи, милиция капитани Т.Исmoilов ўзи билан милиция сержанти Х.Тошбоев ва милиция катта сержанти А.Бойбобоевларни олиб бир неча дақиқада воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Текширилганда чойхона эшиғи ойнаси синганлиги аниқланди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида чойхона ичкарасидаги “меҳмон” қўлга олинди.

У Самарқанд шаҳридан келган А.У.бўлиб чиқди. Кундузи чойхона буфетига сотиш учун конфет, қуруқ сут туширилганини кўрган ўғри ичкарига кирган. Аммо ўз ишини охирига етказа олмади.

М.МИРЗААҲМЕДОВ,
Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғининг
муовини, милиция майори.

ДУШАНБА

18 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Болалар меҳмонхонаси". 18.45 "Чингиз Ахмаров". Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Най навоси". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Муҳамедов. 19.55 "Осойишталик ҳимоясида". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Театр оламида". Ғарб ва Шарқ театрлари фестивали олдидан. 21.40 "Булоқлар кўз очганда...". Хоразм вилоятидан кўрсатуви. 22.20 "Тоғларнинг гули ўзгача". Телефильм. 22.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Нафосат оламида". Телефильм. 19.30 "Лаҳза". Хабарлар. 19.50 "Ассалому алайкум". 20.50 "Билиб қўйган яхши". 21.10 "Лаҳза". Хабарлар. 21.25 "Солдат қиссаси". Бадий фильм.

ТЕЛЕТОМАШАБИНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба 18 октябрь куни "Орбита IV" кўрсатувлари соат 15.00 дан, "Дубль IV" кўрсатувлари соат 16.30 дан бошлаб кўрсатилади.

"ОРБИТА IV"

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 15.25 "Телемикст".

16.10 "Мусликий башорат". 16.40 "Истеъдодлар ва муҳлислар". 17.20 "Иқболи кулганда". 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Музограф". 18.45 "Гол". 19.15 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.25 "Хафтанинг акс садои". 19.55 "МХАТ мактаб-студияси: кеча, бугун, эртага". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал премьераси. 20-серия. 21.55 "Спорт уш-энд". 22.10 "Брейнинг". 23.00 "Серпантин". 24.00 Янгилликлар.

"Янги студия" таништилади: 00.40 "Монтаж" 01.40 "Қингир-қийшиқ эфир". 01.55 "Бомонд". 02.15 "Видеоасс". 02.30 "ТВ-Х".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.30 Янгилликлар. 16.45 "Сотбис" Москвада. 17.00 "Қутқариш хизмати 911".

18.00 — 20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Россиянинг телевизион театри. "Беҳаловат кун хроникаси". 20.50 Мультифильм. 21.00 Душанба кун детектив. "Лаки страйк" таништилади: "Қочоқ" Бадий фильм. "Криминал ходисалар" туркумидан. *
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Ҳақиқат онлари". 23.30 "Таъқиқланган қўшиқлар. (А. Галич)". Хужжатли фильм. 24.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. "Дастлабки яққа ҳокимиятчи ҳақида кисса". 00.45 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

СЕШАНБА

19 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Тонгги концерт. 7.50 "Хом хаёл". Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Ўғил бола гап". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тебранишлар. 2-кўрсатув. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Сенинг замондошинг". 11.30 Ўқитувчи экран. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанини ўрганишда педагогик программалардан фойдаланишнинг самараси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

Ўсмирлар учун. "Бурч". 18.35 "Фермер хўжаликларида". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 "Навоий гулшани". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Раққоса хиром этганда". Саодат Хайиталиева. 21.45 "Нофелет қаерда?". Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 20.10 "Фаннинг ойдin йўллари...". 20.45 "Санъаткор В. Баграмов хузурида".

"ОМАД" таништилади

21.15 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилликлар. 9.20 "Домисолька". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 Мовсар Минцаев куйлайди. 11.15 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал. 20-серия. 11.45 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилликлар. 12.20 "Гол".

Кундузги киноэкспресс

12.50 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 11-серия. 14.00 "Бувамнинг буваси — Пушкин". Бадий-публицистик фильм-монографиянинг премьераси (Санкт-Петербург).

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 15.40 "Конверсия ва бозор". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Иш". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.50 "Қаҳрабача-93" Болалар ва ўсмирлар кўрсатувлари фестивали. 17.10 "Янги номлар". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Ўзимизникилар ва бегоналар". Яқин хориждаги мамлакатлар билан Беларусь Республикасининг муносабатлари ҳақида телеочерк. 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 "КТВ" ҳамда "Франс интернациональ" канали режиссёр Клод Шаброл фильмлари ретроспективасини таништилади: "Жонивор ўлақолсин". Бадий фильм премьераси (Франция). 23.20 "Матбуот-экспресс". 23.35 "1993 йил қўшиқлари". Танаффус пайида (24.00) — Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Ҳақиқат онлари".

12.10 Хонаки экран. "Ғалати одамлар". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Кундузги сеанс. "Мактаб ешидаги болалар учун ўйинлар". Бадий фильм. 15.30 Мульти-пульти. 15.40 "Бола тилидан". 16.10 Кичкинтойлар учун янгилликлар. 16.25 "Рост" студияси "Тонлабиринг". 16.55 Санкт-Петербург балети. 17.25 "Арабески". Бирлашган Араб Амирликларида саёхат.

18.00 — 20.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. АКШ гран-приси. 21.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 232-серия. 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

* 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Қазақлар даврасида". Халқаро хайрия телевизион тадбири. 23.40 "Трансросэфир".

ЧОРШАНБА

20 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Озода, гўзал ўлкам". Концерт. 7.50 "Саккизоёқчалар". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Зиня, Зинуля". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Хужайранинг ўсиши ва бўлиниши. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг-янгиликлари (АҚШ). 11.15 Болалар учун. "Сехрли оҳанглар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Иқтисодий ислоҳот — давр талаби". 18.25 "Фан уфқлари". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Мерос". Ал Бухорий. 20.00 "Туллар юртининг дурдоналари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг, пахтакорлар!". Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 "Сиз кутган дақиқалар". Турғун Азизов. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қувноқ жигарлар". 20.00 "Спринг". 20.25 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 21.25 "02" тўлкинида. 21.45 "Қизни топинглар". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилликлар. 9.20 "Ҳакка". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Савдо кўприги". 11.00 "Инсон ва қонун". 11.30 "Тингланг, томоша қилинг...". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 12-серия. 13.35 "Анна Фирлинг йўллари". Телевизион бадий фильм. 1-серия.

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.40 "Ов ҳақида ҳикоялар". Телефильм премьераси (Иркутск). 17.00 "Қаҳрабача-93". 17.20 "700 клуб". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Ассалому алайкум, бу мен...". 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.00 "Кремль деворлари ортида". 2-кўрсатув. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 "Останкино" ҳимоячилари учун. Концерт-учрашув. 23.15 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. "Лех" (Познань, Польша) — "Спартак" (Москва, Россия). 2-тайм.

Польшадан кўрсатилади. Танаффус пайида (00.05) — Янгилликлар. 01.30 "МТВ". 02.30 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. 9.15 Христианлар учун кўрсатув. 9.45 Мульти-пульти.

9.55 Е. Евтушенконинг ижодий кечаси. 10.55 "Маърифат медалари". 11.40 "Ностальжи" — барча авлодларнинг мусикаси. 12.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 232-серия. 13.00 "Параллеллар". 13.15 "Ҳали англамаган қонинот". 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.10 Кундузги сеанс. "Шафак". Бадий фильм. 15.35 Трансросэфир. 16.20 "Телегазета". 16.25 Кичкинтойлар учун янгилликлар. 16.40 "Рост" студияси. "Артзона". 17.10 Мульти-пульти. 17.30 "Рус ижозатномаси".

18.00—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 233-серия. 20.45 "60 минут". Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви. 21.45 Криминал хабарлар экрани.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Л клуб". 23.10 "Винил чангалзорлари". 00.10 Футбол, УЕФА кубоги. 1/16 финал. "Айнтрахт". — "Днепр". Германиядан кўрсатилади.

ПАЙШАНБА

21 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Сўз сеҳридан яралган кадр". Ўткир Сиддиқов. 7.50 "Қоплон учун уй". Мультифильм. 8.00 "Қувноқ болалар". 8.20 "Ўзбекистон дея аталур". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Баҳосиз дарс". Бадий фильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Чирчиқ". 2-тайм. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 17.45 "Тобол ўймакорлиги". Телефильм. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ислоҳот одимлари". 18.40 "Унутилган ўйинлар". Телефильм. 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Тилга эътибор". 20.00 "Тошкентда куз". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Инсон ва қонун". 21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов концерти. 22.30 "Кино. Кино. Кино". 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 19.50 "Хива". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.30 "Пульс". Хабарлар.

"ОМАД" таништилади

21.45 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилликлар. 9.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.10 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. "Лех" (Познань, Польша) — "Спартак" (Москва, Россия). 2-тайм. Польшадан кўрсатилади. 11.05 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 13-серия. 13.35 "Анна Фирлинг йўллари". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.50 Мультифильм.

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Адам Смит бойлиги дунеси". 16.40 "Ён дафтар". 16.45 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мульт-

фильм премьераси. 17.10 "Джэм". 17.40 "...16 ешгача ва ундан катталар". Танаффус пайида (18.00) — Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Россия хроникалари". Вологдада театр фестивали. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 "Мосфильм"нинг 70 йиллиги. "Кундузги юлдузлар". Бадий фильм (1968 й.). 23.10 "Миниатюра". 23.25 "Кино талаб қилинади". 24.00 Янгилликлар. 00.40 "Рок-Н-ролл ТВ". 01.25 "Экстрон-НУЖ". 01.55 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. "Оркестрнинг репетицияси".

9.15 "Кетдик". 9.25 Трансросэфир. 10.10 "Таъқиқланган қўшиқлар. (А.Галич)". Хужжатли фильм. 10.40 "К-2" таништилади. "Абзац". 11.35 "Шаҳарча". Дам олиш программаси. 12.00 Мульти-пулти. 12.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 233-серия. 13.00 "Муслика йирик планда". "Қўхна куйлар" халқаро фестивали. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масалада". 14.10 "Дунё аёллари". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси (АҚШ). 1-серия. 14.35 "Қутқариш хизмати 911". 15.30 "Телегазета". 15.45 "Орел" ортида бутун Россия". 16.15 Кичкинтойлар учун янгилликлар. 16.30 "Рост" студияси. "Такой возраст" ешлар тележурнали. 17.00 "Жаноблар-ўртоқлар". 17.15 "Қириш ҳовли томондан".

18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 234-серия. 21.00 "Мусликий имтиҳон".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Осойишта уй". 00.25 Спорт кўрсатуви. 00.30 "М-трест". 00.45 Криминал хабарлар экрани.

ЖУМА

22 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Инжиқ маллика". Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Қишлоқ стадионларида". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Тоғдаги гор сирлари". Бадий фильм. 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Киме. Нуклеин кислоталари. 11.00 "Ёшлар фестивали". Қашқадарё вилоятидан кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Қўқонди Латиф едгорликлари". Телефильм. 18.20 "Эл дастурхонига". 18.55 Эълонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Эълонлар. 19.25 "Устоз ардоғидаги шогирд". Зайнаб Мирзатиллаева. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мустақиллик ва қонунчиликни ривожлантириш". 21.30 "Хотира". Миртемир. 22.20 "Холодильникда биров бор". Бадий фильм. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Мусликий дақиқалар. 19.40 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида). 20.10 "И. Жалилов куйлайди". Фильм-концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Оқис юлдуз шуъласи". Бадий фильм, 1-серия.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилликлар. 9.20 Мультифильм. 9.25 Эртақ хузурида меҳмонда. "Мино, болагинам Мино". Бадий фильм. 11.20 "Джэм". 11.50

“Матбуот-экспресс”. 12.00 Янгилликлар. 12.20 “Саёхатчилар клуби” (сурдо таржимаси билан).

Театр шинавандалари, Сизлар учун! 13.10 “Совуқ куз”. Телеспектакль. 14.00 “Татьяна Шмига. Автопортрет”.

15.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 “Бридж”. 15.50 “Бизнес-класс”. 16.05 Эртақ хузурида меҳмонда. “Мино, болагинам Мино”. Бадий фильм. 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 “МДХ: хусусийлаштириш муаммолари”. 18.40 “Инсон ва қонун”. 19.15 “Вагон-03”. 19.45 “Мўъжизалар майдони”. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёлонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 “Хафтанинг машҳур киши”. 21.40 “Детективлар клуби”да. “Марлоу — хусусий изкувар”. Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.45 “Матбуот-экспресс”. 22.55 “Сергей Рахманинов. Икки ҳаёт”. Телефильм премьераси. 1-фильм (“Экран”). 23.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 24.00 Янгилликлар.

“ВИД” таништиради:
00.40 “Сиёсий бюро”. 01.15 “Музобоз”. 01.55 “Авто-шоу”. 02.25 “Х” программаси. 02.50 “Хит-конвейер”.

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 “Параллеллар”. 9.15 “Кетдик”. 9.25 “Осойишта уй”. 10.20 “Хайвонот оламида”. 11.20 Хонаки экран. “Санта-Барбара”. Кўп серияли бадий телефильм. 234-серия. 12.10 “Ўз манзили”. 12.40 “Мусликий имтихон”. 13.40 “Дехқонларга тааллуқли масала”. 14.05 “Йўлинг ёруғ бўлсин”. Хужжатли фильм премьераси. 14.35 “Трансросэфир”. 15.20 “Пилигрим”. Россия саёхатлар бюроси. 16.05 Кичкинтойлар учун янгилликлар. 16.20 Жума кунлари Дисней. “Ринго, дарбадар енут”. Бадий фильм. 17.10 Ракурсада онлайв суврат. 17.25 “Телегазета”.

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 “Эдуард Хиль. 35 йилдан сўнг”. 20.50 “Киноафсоналар”. Генри Фонда. 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 22.30 Телеэкранда — премьераси. “Гуноҳ”. Бадий фильм. 23.50 “Трансросэфир”. 00.20 “Кечки салон”.

ШАНБА 23 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I
6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”. 6.40 “Соғлом бўлай десангиз...”. 7.00 “Ўзбекистон” ахбороти. 7.30 “Яхши кайфият”. 7.50 “Жонсарак”. Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Шифокор маслаҳати. 8.30 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 8.50 “Соғлом бўлай десангиз...”.

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 “Алифбо сабоқлари”. 9.40 “Фарғона илҳомлари”. 10.05 “Цирк. Цирк. Цирк”. 10.50 Инглиз тили. 11.20 “Ёшлик” студияси. “Талабалар саҳнасида”. 12.05 Самарқанд вилояти Окдара тумани “Тарона” ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 12.35 Хитой тили. 13.05 “Тўртқўл жамоли”. 13.40 Болалар учун. “Эртақлар — яхшиликка етаклар”.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 “Аралаш”. Болалар учун ҳажвий киножурнал. 18.20 “Ғазалхон ёшлигим”. 19.00 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 19.30 “Ғойиб бўлди осмонда қушлар”. “А+Б”. Катталар учун мультифильмлар. 19.35 Мовлуда Асомхўжаева куйлайди. 20.15 Окшом эртақлари. 20.30 “Ўзбекистон” ахбороти. 21.00 “Буюк мунажжим”. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан. 21.45 “Ғарб ва Шарқ театрлари фестивали”. В. Шекспир. “Кориолан”. Ҳамза номидаги Ўзбекистон академик драма театрининг спектакли. 00.05 “Тунги егду”. Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
19.00 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 19.20 “Балерина”. “Ўзбектефильм” премьераси. 19.55 Лирик концерт. 20.30 “Ўзбекистон”

ахбороти. 21.00 “Олис юлдуз шуъласи” Бадий фильм. 2-серия.

“ОРБИТА IV”
6.45, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 “Матбуот-экспресс”. 7.10 Ишбилармон кишининг шабаб тонги. 7.55 Янгилликлар. 8.30 “Спорт-имконият”. 9.00 “Марафон-15” таништиради. 9.30 Эфирда — Давлатлараро “Мир” телерадиокомпанияси. “Умид” видеоанали. 10.55 “Тиббиёт ҳамма учун”. 11.25 “Сергей бутхонаси”. Уч серияли хужжатли фильм премьераси 3-фильм. 12.25 “Хукумат кишилари”. 12.40 “Илҳом манбалари”. 13.10 Актёрлар ва тақдирлар. “Тинч оқар Дон”. Бадий фильм. 2-серия. 15.00 Янгилликлар. 15.25 “Мулқдор алифбоси”. 15.35 “Пеппи — узун пайпоқ”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 16.05 “Пул ва сиёсат”. Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 16.30 “Ультраси”. 17.10 “Кизил квадрат”. 17.50 “Янгра, гармонь!”. 18.30 “Хайвонот оламида”. 19.15 “Оба-на”. 19.50 “Коламбия пикчерс” таништиради. “Стингрей”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 2-кисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёлонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 “Коламбия пикчерс” таништиради. “Дженининг уруши”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.20 “Резонанс” студияси таништиради. 22.40 “Туғилган кунинг билан, Арбат!”. 23.40 “Матбуот-экспресс”. 24.00 Янгилликлар. 00.40 “50х50” телетомошаси.

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 “730-формула”. 8.55 “Сиз яратган бог”. 9.25 Мусликий коллекция. Валерий Афанасьев чалади (фортепиано). 9.50 Мульти-пульти. 10.00 “Рост”. студияси. “Яқунлар”. “Бизнинг “Аралаш”. 10.30 “Пилигрим”. Россия саёхатлар бюроси.

11.15 — 14.00
“ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.15 “Мамлакатлар, одамлар, воқеалар”. 11.25 “Энг яхши келажак учун”. БМТ Халқаро кунига. 12.10 “Ўзбекистон — Франция: ҳамкорлик йўлидан”. 12.35 “Ўзбекистон фани”. 13.15 “Хотира”. Кароматилло Курбонов. 13.50 “Бу турфа олам”.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.00 “Дехқонларга тааллуқли масала”. 14.20 “Динозаврга айланмайлик”. 14.35 “Изабель”. Дам олиш висторинаси. 15.20 “Тилла шпора”. 15.50 Мульти-пульти. 16.00 “Чегарасиз футбол”. 16.55 XX аср кадрда ва кадр ортнда.

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 “Уинстон Черчилль — чўққига йўл”. Кўп серияли бадий фильм премьераси. 4-серия. 20.55 “Мутлақо махфий”. 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 22.30 Гранд-репортаж. “Тўплар сукут сақлаганда...”. 23.00 “Ксюша хузурида”. 23.30 “Маски-шоу”. 24.00 “К-2” таништиради: “Америка юлдузлари”. 00.30 Тунги сеанс. “Кулфбузар”. Бадий фильм.

ЯҚШАНБА
24 ОКТЯБРЬ
ЎЗТВ I
7.00 “Ассалому алайкум”.

8.00 “Ўзбекистон” ахбороти. 8.30 Болалар учун. “Тонгги салом”. 9.00 “Махобхорат”. Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 37-38-сериялар. 10.30 Араб тили. 11.00 “Ёшлик” студияси. “Турун”. 11.50 Немис тили. 12.20 “Ахвол қандай чемпион?”. 12.40 “Фахрийлар — фахримиз”. Улуг Ватан уруши қахрамони Жўрақул Тўраев. 13.10 Форс тили. 13.40 “Келажакни кўзлаб”. Тошкент халқаро оилашунослар анжумани ҳақида.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 “Билмасвой Кўеш шаҳрида”. “Балик тилга кирди”. Мультифильмлар. 18.25 Ўсмирлар учун. “Улғайиш поғоналари”. 19.00 “Хафтаномаси” (рус тилида). 19.30

“Ойнаи жаҳонда”. 19.45 “Ижод саҳифалари”. Султон Акбарий. 20.30 “Хафтаномаси”. 21.10 “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — тинчлик кўргони”. 22.10 Хорманг, пахтакорлар! Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
“ОМАД” таништиради.
17.00 “Мультифейерверк”. 17.40 “Омад” — кўрер. 17.55 “Мусликий йўлка”. 18.10 “Хар соҳадан бир шингил”. 18.20 “Саломат бўлинг!”. 18.35 Болалар учун. “Совга”. 18.55 “Юлдузлар жилоси”. 19.20 “Даракчи”. 19.30 Реклама. 19.35 “Видео — “Омад”. 21.15 “4/8”. Мусликий кўрсатув. 21.30 “Омад” — кўрер. 21.40 “Мусликий йўлка”. 22.10 “Даракчи”. 22.20 Реклама. 22.25 “Видео — “Омад”.

“ОРБИТА IV”
6.40, 15.15, 19.00, 22.45, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 “Рухни чиниктириш”. 7.55 Янгилликлар. 8.30 “Авто-шоу”. 9.00 “Марказ”. 9.30 “Эрта саҳарлаб”. 10.00 “Ҳамма уйдалигида”. 10.30 “Спортлото”. 10.45 “Тонг юлдузи”. 11.35 “Полигон”. 12.05 “Пи” белгиси билан”. 12.50 “Марафон-15”. 13.30 “Кадрдон тупроқ”. Экологик кўрсатув. “КТВ-I” ҳамда “Франс интернационал” канали таништиради: 14.00 “Француз пазандалари сизга тавсия этадилар”. 14.10 “Кусто командасининг сувости одиссеяси”. Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

15.00 Янгилликлар. 15.20 Мультифильм. 15.35 “Саёхатчилар клуби”. 16.25 “Хунари хор бўлмайди”. 16.30 Мультифильмлар премьераси: “Каспер ва унинг дўстлари”. “Ҳақиқий ажина овловчилар”. 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 “Панорама”. Хафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 19.05 “Маринскда промена”. 20.05 “КВН-93”. МДХ ҳамда АКШ командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви. 21.55 Ёлонлар. 22.00 Янгилликлар. 22.50 “Эндиликда”. Диний кўрсатув. 24.00 Янгилликлар. 00.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 00.35 “Теледартс” ўйини. 01.10 Телеэкранда биринчи марта. “Кўринмас душман”. Бадий фильм. (АКШ).

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 “Деразалар нақшинкор эди”. Хужжатли фильм. 8.55 Хайрли тонг! “Чемпионлар учун нонушта”. 9.25 “Калит” кўрсатуви. “Шоҳона мусобақа”. 3-кисм. 9.55 Мульти-пульти. 10.15 “Здоровье”. 10.45 “Рост” студияси. “Азамат йигитлар”. 11.15 “Ати-бати...”. 11.45 “Кузги марафон”. Бадий фильм.

13.15—15.20
“ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.15 “Мамлакатлар, одамлар, воқеалар”. 13.25 “Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда”. 14.05 “Иқтисодиёт уммондаги кичик корхоналар”. 14.35 “Таниш номлар”. 15.00 “Тошкентдан гапирамиз!”. 15.10 “Бу турфа олам”.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.20 Кипрас Мажейка. Жанубий Африкадан репортажлар. 15.50 “Оқ қарға”. 16.35 Диснейнинг сеҳрли олами. “Винни Пухнинг янги саргузаштлари”. “Қора плашч”. 17.25 “Таъқиқланган қўшиқлар (А. Галич)”. Хужжатли фильм.

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 “Джентельмен-шоу”. 20.40 “Владимир Познернинг Америкаси”. 20.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. “Локомотив” (Москва) — “Динамо” (Москва). 2-тайм.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 22.30 Спорт кўрсатуви. 22.35 Си-Би-Эс кинотеатри. “Шерлок Холмснинг қайтиши”. Бадий фильм. 00.15 “А” программаси.

(“Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз” дастуридан олинган).

Муассаса ҳаётидан

ТОШКЕНТ вилояти ИИБга қарашли I-сон қабуллаб-тақсимловчи муассаса 100 ўринга мўлжалланган. Бу ерга деярли ҳар куни ўнлаб турар манзилнинг, қилар ишининг тайини йўқ кимсалар мажбуран “ташриф” буюрадилар. Муассасада улар учун барча шароит етарли. Керак бўлса, фойдали меҳнат билан шугулланишлари мумкин. Аммо бундай қулайликлар келтириладиганларнинг аксариятига умуман ёқмайди. Чунки улар текин даромад ортиришга ўрганиб қолишган. Ораларида хавфли жиноятчиларнинг, юқумли касалликка чалинганларнинг борлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг очикда юриши қаңчалар хавфли эканлиги аён бўлади.

Куйидаги суратлар муассаса ходимларининг бир кунлик хизмат фаолиятдан хикоя қилади.



Муассасада эрталабки тақсимот пайти. Тақсимотни бошлиқ ўринбосари, милиция катта лейтенанти С. Мейликулов (чапдан) ва милиция майори А. Комиловлар олиб бормоқдалар.



Навбатдаги гуруҳ милиция лейтенанти Садриддин Жўраев бошчилигида вилоят бўйлаб хизматга отланмоқда. Олдиларига куйилган вазифа аниқ.



Келтирилган дайдиларнинг ҳаммаси билан ўзаро суҳбатда бўлинади, зарур хужжатлар тўлдирилади. Ушбу суратда навбатчи, милиция старшинаси Мирзахон Ибрагимов навбатдаги “меҳмонлар” билан.



Суратда саф тортиб турган йигитларни дайдилар дея оласизми? Кўринишларидан туппа-тузук йигитлар. Аммо уларнинг турар-жойлари ҳам йўқ, фойдали меҳнат билан ҳам шугулланмайдилар. Милиция катта лейтенанти Иулдош Худойбердиев ўтказатган суҳбатдан сўнг, дайдилар маълум муддатта иссиқ хона, овқат билан таъминланадилар...

Суратларни Х. АВИЛОВ олган.

Эрта кетдинг, дўстим, эрта...

**"Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса ул вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас бўлса,
Вайронадур қошона ҳам..."**

Дўст... Оддийгина сўз бу. Лекин унинг замирида шундай бир улкан, чексиз маъно яширинганки, унинг моҳияти ва асл маъносини таърифлаб беришга баъзан сўз ҳам тополмайсан киши. Оғир ва қийин дамларда сенга далда берувчи ёки йиқилар чоғингда сени суягувчи дўст кадрини англамоқ қанчалар тотли бўлса, ундан бир умрга айрилиш эса ҳар қандай кулфатдан ҳам минг чандон оғирроқ.

Биз Абдугаппор Холтоев билан Қашқадарё вилоятига битта муассасага ишга келган эдик. Ўта иссиқ иқлимли бу вилоят худудида ишлашнинг ўзи бўлмас эди, албатта.

Абдугаппор бундан аввал Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасида меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш соҳаси бўйича чуқур илмга эга эканини намойиш этган бўлса, энди шу илмини амалда синаб кўраётган эди.

Биз оиламизни Тошкентдан кўчириб келдик. Жазирама иқлимга ҳам тез орада ўрганиб кетдик. Менинг иш фаолиятим муттасил муассаса худудида бўлса, уники ҳам ичкари, ҳам ташқарида эди. Баъзан бир неча кунлаб бир-биримизни учрата олмас эдик. Ишлаб чиқаришни хомаше билан таъминлаб туриш катта меҳнат талаб қиларди. Ана шу ишларни ташкиллаштириш Абдугаппорнинг зиммасига юклатилган эди. У дастлаб муассасада ишлаб чиқариш бўйича бош муҳандис бўлди, сўнг ўз касбининг моҳир устаси, жонкуяри бўлгани учун ҳам бошлик муовини этиб тайинланди.

— Биласанми, Собиржон, — дерди у кўпинча. — Ҳаёт — бу шундай бир бебаҳо китобки, унинг ҳар бир зарварини қанча мушкул бўлмасаям ўқиб улгурмоғимиз, янги варақларини эса авлодлар фахрланадиган ишлар билан тўлдириб бормоғимиз керак. Бироқ бунинг учун, бизга бир одамнинг умри камлик қилади. Демак, шойилмоғимиз керак — токи муттасил ўзгариб турган замон зайлига тўлиқ жавоб бера олайлик...

Республикаимиз, ниҳоят, ўз мустақиллигига эришган бўлса-да, баъзи бир табиий ҳолат, иктисодий қийинчиликлар ҳам юзага чиқа бошлади.

Доймий иш билан таъминлаш эндиликда оғир вазифага айланган эди. Абдугаппор ўзининг моҳир ташкилотчилиги, зийрак қобилияти, ўткир зехни туфайлигина катта корхона ишини бир зум ҳам тўхтатмади, яъни қўшни республикадаги бир неча шаҳарлардаги корхоналар билан

йўлга қўйган мустаҳкам алоқаси шу кунларда асқотди.

"Ҳаёт — бу муттасил ҳаракатдаги катта синов", — дерди у доим такрорлаб. Давр уни ҳам синовдан ўтказаетган, у эса бу синовдан ҳеч иккиланмай ўтаётгандек эди. Бу ютуқ ва юқори натижалар неча бедор кечалару, уйқусиз тунлар, тинимсиз ҳаракатлар натижаси эканлиги — унинг ўзига ва ен-веригадаги маслакдош, ҳамфикр, хизматдошларига аён эди, холос...

Ҳа, у шошар эди! Ҳаётдан бир дақиқа бўлса-да ортда қолишни истамас, наинки у билан тенг одимлаш, балки ундан ўзиб кетиш учун шошар, ўзининг шу меҳнатидан қанча кишилар баҳра олишидан шодланиб олган шошар эди у...

1993 йилнинг март ойида муассасамиз бошлиғи Т. Харисов бошқа ишга ўтгани сабабли ўрни бўш қолди. Орадан кўп ўтмай, муассаса бошлиғи қилиб Т. Харисовнинг ишбилармон шогирдларидан бири Абдугаппор Холтоев сайланди. Бу ҳол уни янада илҳомлантириб юборди.

Энди уни деярлик иш хонасидан (кабинетидан) топиб бўлмасди, бутунлай ишлаб чиқаришга шўнғиб кетгандек эди. Ўша кунлари мен унинг яна бир хислатини кашф этгандек бўлдимки, бунга аввалда унча эътибор бермаган эканман. Тарбия масаласи бўйича контингент билан узлуксиз мулоқотда бўлиш мен учун табиий ҳол бўлгани учунми, маҳбусларнинг ички ва ташқи кечинмаларини тушуниш менга касбий туйғу бўлса, Абдугаппор эса ўзининг шу туйғудан ташқари чуқур бир ҳиссий сезгига эга эканлигини намоён қилди. У маҳбуслар билан суҳбатда уларни диққат билан тинглай олар ва ана шу хислати учун

маҳбуслар уни янада кўпроқ ҳурмат қилишар, ўзларига яқин кўришиб, барча мавжуд масалалар бўйича тортинмай маслаҳат сўрашар эди.

1993 йилнинг 11 июнь кuni Жиззах вилояти худудида юз берган автомобиль ҳалокати оқибатида икки нафар айни қирчиллама ёшдаги инсонлар оғир тан-жароҳати олишди. Улардан бири эндигона 31 баҳорни қаршилаган Абдугаппор Холтоев эди. Унинг ҳаёт синовларида ўта тобланган жисми оғир жароҳат оқибатида, икки кун мобайнида ўлим билан олишса-да, бевақт келган ажал уни орамиздан юлиб кетди. Қанчадан-қанча эзгу орзу-ниятлар билан тўлиб-тошган юрак... бемаҳал уришдан тўхтади.

... Мен ўша оғир кунларда унинг оила аъзолари, яқин қариндошлари-ю ўзим каби дўстлари чеккан оҳ-нолалар тўғрисида сўзлаб ўтирмоқчи эмасман. Мени тўлқинлантиргани шу бўлдики, бу шум хабарни эшитган муассасамиз маҳбусларининг қарийб ҳаммаси кўзларидан оқаётган кўз ёшларини билантирмасликка уриниб, ўгирилиб кўзларини артаётганлари бўлди... Шулардан бири Рустам Давлатов ўзининг ўша кuni, тун билан унга уйку бермаган хисларини шеърый йўлга туширган экан, мен ундан кейинроқ хабар топдим. Бу чин дилдан чиққан фарёд эди:

— Чин инсон хотирасига бағишлов: (А. Х.)

**Бугун ахли Косон ййглади,
Тошкент узра — осмон ййглади.**

**Жудалиқнинг ўткир қиличи,
Минг-мингларнинг қалбин тиглади...**

**Эндигина ўттиз бир баҳор,
Орзулар кўп эди, бегубор.**

**Шуми, сендан кутганим фалак,
Мард ййгитга — дунё келди тор.**

Норасида икки фарзандинг,

Еднома

**Йўлинг пойлар эди —
қай лаънат-ла атай**

**Олиб кетди... оташ ажални,
юрагинг.**

**Оҳ десам кўксимдан олов чиқади,
Фарёд ила ғам, фигон чиқади,**

**Абдугаппор — сенинг номинг атасам,
Дилимни чексиз бир — армон чақади!**

**... Бугун ахли Косон ййглади,
Тошкент ахли — белин боғлади.**

**Нурга тўлсин сўнги манзилинг,
Жудалиқ... кўп дилни доғлади!!!**

**Айрилиқнинг азоби чексиз,
Рустам — билсанг, ҳатто қалам ййглади...**

Ўқиб бўлиб, ўзимнинг энг яқин дўстимдан жудо бўлганимга, минг афсус-ла-яна бир бор ичимдан эзилган бўлсам, иккинчи томондан, унга бутунлай бегона бўлган маҳбуслар қалбини шу даражада забт эта олганидан гурурландим ҳам.

Йўк, у ҳеч кимга бегона эмас эди. Жиноят йўлига адашиб қадам қўйган ва кейин покланиш каби тўғри йўлни танлаб, ҳалоллик кўчасини кўзлаб меҳнат қилаётган инсонлар унинг эрта хазон бўлган умрига чин дилдан қайғуришиб: "Охиратинг обод бўлсин, худо раҳмат қилсин", дея фотиҳа қилишди. Мен ана шундай минглаб кишилар қалбидан мангуликка жой ола билган, хотираси кўшиққа айланган дўстим Абдугаппор Холтоевнинг порлоқ хотираси, ёрқин сиймоси олдида, унинг ҳамиша мен билан ёнма-ёндек туюладиган руҳи олдида "Нурга тўлсин сўнги манзилинг..." дея аста бош эгаман.

**С. АКРАМОВ,
муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича муовини.**

Шу йилнинг йигирманчи июль кuni Намангандан Ҳаққулбод томон йўлга чиққан автобусда анча-мунча йўловчилар кетишарди. Иссиқ ҳаводан кимдир лоҳас мудраса, яна кимдир рўмолча елпиниб ўтирарди. Автобуснинг орқа томонида ястаниб ўтириб олган бир йигит ўзича беҳаё сўзларни гапирарди, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган бу йигитнинг мастлиги шундоққина билиниб турарди. Унинг бемаза қилиғи йўловчиларга ёқмади, лекин бирор киши туриб: "Қўй, ука, бу қилигинг яхшимас", — деб айтолмасди.

Автобус Жийдакапа қишлоғида тўхтади. Ҳайдовчи

Нега бунча лоқайдмиз?

орқа эшикни очмади. Шунда ҳалиги йигитга "давр" тегди. Турган жойида бақириб, сўкина бошлади. Унинг атрофидагилар билан иши йўқ эди.


Бу ҳаракатларга фақатгина Абдували чидай олмади. Мастни тартибга чақириб қўймоқчи бўлди. Ўртада жанжал чиқди. Ҳалиги зўравон ёнидан пичоқ чиқариб, қўққисдан Абдувалининг ўнг оёғига санчиб олди.

Шу чоққача томошабин бўлиб турган йўловчилар Абдувалининг оёғига пичоқ санчилганидан кейин ҳам сукут сақлашди. На ажратиш бор, на тартибга чақариш бор уларда. Негача бунчалик лоқайдлик қилишди? Улар ҳеч нарсга кўрмагандек ўз йўлларида давом этишди. Бечора Абдували бўлса, қонга беланган ҳолда қолаверди. Унинг оёғи зирқирарди. Бироқ, қалби оғриқдан кўра аламдан, одамларнинг бепарволигидан азоб чекарди. Зеро, у кўпчиликни деб шу жабрни сотиб олди-ку! У шу алфозда Чўжа ДАН постига бир амаллаб етиб келганида, навбатчи милиция старшинаси Х. Ботиров ўз хизмат вазифасини бажарарди. Абдували бўлган воқеани унга айтиб бергач, дарҳол тегишли жойга хабар берди. Улар воқеа жойига етиб боришди. Бироқ, воқеа жойида ҳеч ким йўқ, гувоҳлар аллақачон кетиб бўлишганди.

Жиноятчини топиш керак эди. Шу сабаб милиционерлар керакли чораларни кўришди. Зўравонни ҳимоячилар Дохиёта қишлоғидан топишди. Унинг ёнидаги ашёвий далил — пичокни олдилар. Маълум бўлишича "муштумзўр" Норин туманининг Тўда қишлоғида яшовчи Йўлдош номли шахс экан.

Зўравон-ку ушланди, у тегишли жазосини олади. Аммо бизни бир савол қийнайди. Негача одамлар бунча бепарво, лоқайд? Ахир жиноят бўлмаслиги мумкин эди-ку! Аслида жиноятлар лоқайдликдан келиб чиқмаптимикин?

**Ш. РЎЗИЕВ,
ИИБ матбуот маркази ходими.
И. КАРИМОВ,
Наманган вилояти ИИБ ходими.**



"Тилло" сандиқ очилди...

Паркент туманининг "Живитоминик" давлат хўжалигида яшовчи бўрдоқчилик

корхонаси тракторчиси Рустам Йўлдошевнинг уйда ўғирлик содир этилди. Жиноятчилар уй эгаларининг тўйга кетганлигидан фойдаланиб, деразасини синдиришган ва ичкарига киришган. Улар Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган рангли телевизорни ўмариб, унча узоқ бўлмаган Юқоричирчиқ туманида яшовчи Искандар Қўрбоновнинг ҳовлисида турган эски сандиқ ичига яшириб қўйишган.

Уй эгалари тўйдан қайтиб келиб, қарашса-ки, аҳвол чатоқ. Дарҳол туман ИИБга мурожаат қилдилар. Ички ишлар бўлими бошлиғининг тезкор ишлар бўйича муовини Т.Жўраев бошчилигида тезкор гуруҳ тузилди ва унга

терговчи О.Илҳомов, жиноят-қидирув гуруҳининг катта тезкор ходими

Ш.Музаффаров, милиция катта участка вакили ва милиция участка вакили И.Шокаримовлар киритилди.

Тезкор гуруҳ 24 соат ичда жиноятни очди. Ўғирлар Паркент туманининг Қорақалпоқ қишлоғида яшовчи, 1970 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер Жамолов ва 1973 йилда туғилган Алишер Шоназаровлар экан. Ҳар иккаласи ҳам яхши оилада тарбия кўрган, меҳнаткаш ота-оналарнинг фарзандлари эди.

Телевизор ишқибозлари энди беш йил турмада "телевизор томоша" қиладилар.

**А.АБДУЛЛАҲАКИМОВ,
Паркент тумани ИИБ бошлиғининг муовини,
милиция майори.**

Мустақиллик куёши порлагандан кейин ҳар бир шаҳар, туман, маҳаллаларда масжидлар қайтадан тикланди. Бу муқаддас ишга ҳамма кўлидан келганича кўмаклашишга интилди.

Лекин орамизда шундай муқаддас жойга эҳсон қилинган нарсаларга кўз олайтирувчи кимсалар ҳам борлигига афсусланасан киши.

11 сентябрь кuni соат

ШАККОҚ

саккизларда номаълум шахс Свердлов кўчасида жойлашган маҳалла масжидидан 60 минг сўмлик гиламни ўғирлаб кетди.

Олиб борилган ҳаракатлар туфайли ўғри топилди. У шу маҳаллада истиқомат қилувчи Муҳаммад(1) исмили шахс экан.

Б.КАРИМОВ.

Бу воқеа Минскда бўлди. Мазкур жиноят иши билан танишиш оғир эди, ёзиш эса ундан ҳам оғир. Ўқиш яна-да қийин бўлса керак.

Валера уй боласи эди. То армиягача онасининг ўгли бўлиб юрди. Балки бу болалар қондаси бўйича яхши эмасдир, лекин уйда ундан хурсанд эдилар. Нима десанг, ҳаммасини бажаради. Дўконга боришми — марҳамат, пол ювишми — қовоғини солади-ю, барибир ювади. Ёрдамчи. У ҳозир ҳам ўшандайлигича қолган. Бор-йўғи йигирма бирга кирди, бироқ жиддий, камгап. Автобазада ҳайдовчи, жуда чарчайди. Кеч тўққиз бўлди — ўрнига ётади. Ўртоқлари билан пивоҳонада ўтиргандан кўра ўша яхшироқ.

Топаи қизи ёмонга ўхшамасди. Жуда ёш, ҳунар-техника билим юртида ўқийди. Бир нарса номаъқулроқ — тунаб қола бошлади, кечкурун ўн бирда келади-да, дарров Валеранинг хонасига. У аллақачон ухлаб қолган, уйғониб кутиб олади. Севадиганга ўхшайди. Ҳа, майли, бўлганича бўлар... Ахир, тез орада тўй, ЗАГСга ариза беришган.

Онаси Вера Сергеевна соатига қаради. Ниҳоят, мушкул кун тугади. Кўнгли гаш. Қизи туфайли бўлса керак. Зарари йўқ, эртага жавоб ёзади, тинчлантиради. Ҳозир эса телевизорда фильм кўради, юрагини ёзади.

Экранда фильм ўрнига милиция формасидаги киши пайдо бўлди. Диктор шаҳар ички ишлар бошқармаси вакили фавқулодда хабар эълон қилишини билдирди.

“Кейинги ойда шаҳарда бир неча оғир жиноят содир бўлди, — бошлади у. — Тўртта ёш қизчалар зўрланган. Хужумларнинг ҳаммасини бир одам қилаётгани аён. Аммо, бошқармамиз кучларини тўла сафарбар қилишимиз, қидирувга дружинниклар отрядини жалб этишимизга қарамай, ҳалигача босқинчинини қўлга ололмадик. Зўравон яна ҳужум қилиши мумкин-лигига асослар мавжуд. Биз фуқароларга мурожаат қиламиз: иложи борица ёш қизчаларни ёлғиз кўчага чиқарманг. Айниқса, кечки пайт.

Азият чекканларнинг кўрсатмаси бўйича, — давом этди у, — ИИБ лабораториясида жиноятчининг фотороботи яратилди. Ҳозир уни кўрсатишади. Бу юз кимга таниш бўлса, бизга хабар беринг. Қўшимча маълумотлар; жиноятчи ўрта бўйли, мўйловли, қора пўстин кияди”.

ТЕРГОВ МАТЕРИАЛЛАРИДАН

“Соат 21 лар атрофида ўн икки ёшли В.га ҳужум қилинган. Жиноятчи қурбонини уйи ҳовлисиданок кузатиб келган ва қизча лифтга кирганда ҳужум қилган. Зўравон пичок ўқталиб В.ни 12-қаватга лифддан чиқариб, яширин йўлак зинасига олиб борди. Жиноятчи қизчага ечинини буюрди, В. қаршилик кўрсатганид, урди. Қизчанинг қаршилигини синдириб, табиий ва ваҳшийларча икки марта зўрлади.

Эртаси кун соат 16 ларда жиноятчи иккинчи қурбони З.нинг ортидан тушди. Ҳеч нарсадан хабарсиз қизча билан лифтга кирди, пичогини ўқталиб, ўлим билан кўрқитганча, З.ни охири қават майдончасига олиб чиқди. Кейин-яширин йўлак зинасида ечинтириб зўрлади”.

Валерий уйга одатдагидан кечроқ қайтди. Шошилмай ечиниби, индамай хонасига кириб кетмоқчи эди, бирдан онаси қақариб қолди.

— Кечикканинг чатоқ бўлди, қизик кўрсатувни кўролмадинг. Милиционер чикди.

— Хўш, нима бўпти?

— Шунақанги гапларни айтдики... Шаҳримизда қандайдир телба пайдо бўпти. Подъездларда кичкина қизчаларни тутиб зўрлармиш. Хайвон. Одамлар ақлдан озаяпти.

Вера Сергеевна гапини охирига етказмай, Валера бўлиб ташлади.

— Тагин нималар деди?

— Мана, кўрдингми, қизик эди деяпман-ку. Қидиришяпти, одамлардан ёрдам сўради. Фотографиясини кўрсатишди.

— Фотография? Қанақа фотография?

— Ҳалиги, фотография эмас, нима дейишади... Фоторобот. Белгиларига қараб тиклашган.

Валера йўталди, сигарет чиқарди.

— Ҳа-а. Кимга ўхшайди?

— Э, ким билади. Истаганингга. Мўйлови бор, пўстин кияди деди. Газандани тополарминг... Бизда шаҳарнинг ярми мўйловли, пўстин кияди. Милиция болаларни кўчага чиқармасликни сўради. Қўшнилларга айтиш керак, балки ҳеч нарса билишмас, уларнинг эса ўн уч ёшли қизчалари бор. Нима бўляпти. Шу даражага ҳам борадими...

Валера энди онасини тўхтатиб бўлмаслигини биларди. Жимгина бурилиб хонасига кириб кетди.

Каравотга ётиб деворга осиглик фотографиясига тикилди. Унда ҳамма биргаликда — ака-ука ва опа-сингил Своничлар. Саккиз киши. Кимдир жуда кичкина, кимдир жуда катта. Сингиллари ўн-ўн бир ёшда. У нигоҳини қизчаларга қадади.

Қаттиқ чарчоқ босиб келарди. Валера туриб овқатланмоқчи бўлди-ю, аммо айнади. Барибир иштаҳаси йўқ. Тез орада Нина келиши керак. Балки кутиб турар? Э, падарига... Бугун бутунлай келмаса яхши эди. У тагин бир бор болалар юзига тикилди. Кўзлари қисилиб, қақнади. Кувончми, алаҳми. “Энди нима қилиш керак?” — савол ўтди миёсидан. Аммо бу эртага. Ҳозир ухлаш, ухлаш.

Беларусь прокуратураси қошидаги фавқулодда муҳим ишлар бўйича терговчи Петр Редьконинг анчадан буён бунчалик кўнгли чўкмаганди. Узоқ иш йилларида ҳар хил

воқеа бўлган, ҳаммасига кўникиш мумкинга ўхшарди. Тергов олиб боришига тўғри келган дахшатли жиноятларда инсон қаҳри, ўйламай иш қилиши, шафқатсизлиги ҳар гал ларзага соларди. Гўеки дунёда шундайлар борлигига у айбдор. Жиноят кетидан жиноят, тўхтатишнинг иложи йўқ. Зўравон сурбетлашди, жазоланмаётганидан эҳтиёт ҳам бўлмай қўйди, ҳатто болаларни охири қаватга олиб чиқиб ўтирмай ҳақоратляпти. Энг дахшатлиси — энди у қонсираб қолди.

ТЕРГОВ МАТЕРИАЛЛАРИДАН

“Соат 21 дан 15 дақиқа ўтганда жиноятчи уйига қайтаётган ўн уч ёшли Д.ни кўрди. Ўз услубига кўра, қизчанинг ортидан лифтга кирди ва чўнтагидан пичок олиб, унинг қорнига тиради. Қизча қаттиқ қаршилик кўрсатди. Жиноятчи пичокни силтаб, унинг бармоғини кесди. Тўққизинчи қаватда қизни-яширин йўлак зинасига олиб чиқиб, ечинтирмоқчи бўлди. Аммо Д. қаттиқ қаршилик кўрсатишда давом этди. Жиноятчи унинг қаршилигини енгитиш учун бошини деворга, полга урди, бўғди, енгил-енгил тилиб, бўғзига пичок такади. Охири, жиноятчи уни табиий ва ваҳшийларча зўрлади”.

Редько командаси калаванинг учини топишга юзинчи бор уринди. Аммо жиноятчининг режасини аниқлаш учун

А. ЧИЖЕВСКИЙ.

Ёвуз фарзанд

далиллар оз, жуда оз эди. Жиноятчи томонидан қийналган қизчалар воқеаларни ноаниқ баён қилардилар. Бу тушунарли. Ўша аҳволга тушган қатта одам ҳам мутлақо ўзини йўқотиб қўяди. Булар эса болалар.

Ҳамма жиноий ишлар архивини титкилаш керак. Балки бирор нарса топилар. Эҳтимолдаги вариантлар таҳлилига бир неча кун кетади. Аммо кетма-кет барча тахминлар кўриб чиқилди. Собиклардан ҳеч ким аралашмаган. Демак, “янги”лардан. Шунчаки психик касаллардандир? Изқуварлар дарҳол бу тахминни ҳам ишлаб чиқдилар. Психодиспансерлар текширилди, қайдлов карточкалари ўрганилди, врачлар фикри тингланди.

Шу орада февралнинг ўзидаги тўртинчи ҳужум ҳақида хабар келди.

ТЕРГОВ МАТЕРИАЛЛАРИДАН

“Соат 20 ларда жиноятчи пичок билан лифтда ўн бир ёшли Н.га ҳужум қилди. Қизчани кўрқитиб, тўққиз ва ўнинчи қаватлар ўртасидаги майдончага олиб чиқди. Қизча ўлдирманг дея ялинди, ойисининг олдида қўйиб юборишини сўради, бор пулини таклиф қилди. Жиноятчи пулни олди (4 сўм 50 тийин), аммо ниятидан қайтмади. Н.ни ечинтириб табиий ва ваҳшийларча зўрлади”.

Валера Нинанинг енгил турткисидан уйғонди.

— Хайрли тонг, Валерочка.

— Ҳазилингни қара-ю, — тўнгиллади унга жавобан. — Соат нечи?

— Ўн бир ярим. Уч соатдан бери ухляяпсан. Етар энди?

— Нинанинг кайфияти яхши эди.

Валера тирсагига таянди, хўмрайиб қаради. “Барибир кепти-да”, — ўйлади у гижиниб, аммо ташида деди:

— Бугун роса чарчадим. Қийин кун бўлди.

— Сеники ҳар доим қийин, — хафа бўлиб деди Нина.

— Қачон келсам, уйқудасан. Бирор марта кутдингми мени?

Нина индамай чироқни ўчирди ва ечина бошлади.

— Биласанми, бугун телевизорда нима берди? — тўсатдан эслади у. — Бугун шаҳар шуни гапиряпти.

Кўрсатишга улгурмасдан ҳамма бир-бирига гапириб юрибди. Олдинга келгунимча шунақангиларни эшитдим-ки. Милиция ҳаммасини айтмаган экан. Беш ёшлиларга ҳам ташланармиш, дейишяпти. Тишламаслиги учун олдин тишини синдираган, кейин қўлини қайириб ўлгунча ураркан. Ҳеч ҳам тўрттани эмас, ўттизтадан ортиқни зўрлаган экан. Милиция жўрттага сонини яширяпти.

Шундай қилса, ваҳима қамади, деб ўйлашади...

— Валдирашни бас қил, — кесди уни Валера. — Уйқум келяпти.

— Уйқу, уйқу... Мен сенга айтсам, ўша сенга ўхшайди. Шунақа мўйлов...

Валера иргиб турди, вишиллади:

— Нимани тўқияпсан? Кимга ўхшайди? Ярим шаҳар мўйловли, пўстинли. Нима деяётганингни ўйлаяпсанми?

Дугоналарингга ҳам шунақа деяётгандирсан хали? Аҳмоқ.

Нина Валерани сира бу аҳволда кўрмаганди. Доимо мўмин, камгап, ҳатто эринчоқ, ҳозир худди бошқатдан тугилгандай. Кўзлари еняпти, қўлларини силтайди, газабдан титрайди.

— Сенга нима бўлди, Валера? Мен ҳазиллашяпман-ку.

— Оғзингга қара, ҳазилининг таги зил.

У ўзини ёстикқа ташлади, деворга ўтирилди.

— Жинни, — шивирлади Нина йигламсираб.

..Телевидениедаги чиқув ва фоторобот кўрсатилгандан сўнг прокуратура телефонлари тинмай қолди. Юзлаб одамлар жиноятчининг автобус, метро, кўчада кўргандай

бўлардилар. Айримлар фотороботда ҳамкорлари ва қўшнилларини “танигандилар”. Эфирга жуда умумий белгилар берилганди. Бу кўрсаткичлар билан ҳар уч кишининг биттасидан гумонсираш мумкин эди. Аммо нима қилиш, зўравонни қандай тутиш мумкин?

Хужумга учраган қизчалардан бири тўсатдан босқинчидан сассиқ хид анқиб турганини эслади. Далилни бошқалар ҳам тасдиқлагач, ундан қандай наф олиш мумкинлигини ўйлашди.

Сассиқ хид ё исқирт одамдан ёки махсус корхонада ишлайдиган одамдан тарқалади. Киме заводи, резина фабрикаси ва шаҳарнинг бошқа шундай жойларидаги шубҳали одамлар текшириб чиқилганди. Борди-ю, жиноятчи мутлақо шаҳарда эмас, яқиндаги қишлоқда яшаса-чи? Чўчқабоқарлар ҳам хушбўй хид таратмайдик. Минскда эса фақат янги босқин учун пайдо бўлади. Бўлиши мумкинми? Албатта. Бундан ташқари, вокзалларда ҳам озодалиги билан ажралиб турмайдиган қанча дайдилар бор. Уларни ҳам текшириш керак.

Тагин архив титиш бошланди, бу гал вилоят миқёсида. Изқуварларнинг оёқларида оёқ қолмади. Натижа йўқ.

Тўсатдан Редько хабар бериб қолди: вокзалда гумон қилинаётган жиноятчига жуда ўхшаш одамни ушлабди. Уни дарров терговчи ёнига келтиришди. “Ўхшайди, жуда ўхшайди, — ўйлади Редько унга қараб, тарқалаётган сассиқ хиддан афтини буриштираркан. — Қора пўстин, мўйлов, бўйи паст... Наҳотки, шу?”.

Гапни узоқдан бошлашди. Ким, қаердан, нима иш қилади. Йигит довдирар, ноаниқ жавоб беради, юзида телбаларча кулги. Кўп юриши, бир жойда ушланишни ёқтирмаслигини айтади. Бамисоли саёхатчи. Ёнида нима борлигини текширишга қарор қилишди.

Пичок. Мана бу жиддий нарса.

— Нимага олиб юрибсиз?

— Шунчаки. Колбаса кесишга, консерва очгани.

— Хўп, майли. Яна нима бор?

— Ён дафтар.

Редько уни варақлаб, майда ҳарфлар ёзилган саҳифага дуч келди. Ўқий бошлади ва ҳайрон қолди — бу кўчириб олинган эротик ҳикоя эди. Қизик бўлди.

— Шунақа адабиёт билан қизиқасизми?

— Қизиқаман. Биласизми, ёқади. Нима, тақикланганим?

— Йўт-е, бунақаси мумкин.

Йигитнинг чўнтагида нақ бир кило конфет сигадиған жой ҳам бор экан.

— Бу нима учун? Наҳотки, ширинликни шунча яхши кўрсангиз?

— Қизларни сийлашга. Улар ширинликни севади.

Буниси кутилмаган ҳол эди. Хужумга учраганларнинг ҳеч бири конфет ҳақида гапирмаганди шекилли. Балки тўппадан- тўғри сўраш керакдир?

— Менга қаранг, сизни шунчаки ушлаганимиз йўқ. Кўпдан бери...

— Биламан. Шунинг учун қайсарлик қилмайман.

Редько йигитдан кўзини олди. Қандай аҳмоқона илжайиш? Унинг ўрнида қалтираш керак, у-чи, бемалол, осойишта. Жинни е ўзини тутта биладимиз?

— Биз бир неча ёш қизалоқларни зўрлаган жиноятчини кидираяпмиз. Шуни биласизми?

— Тушунаман, ҳаммасига тайёрман.

— Айбингизга иқро бўляпсизми?

— Кўриб турибсиз.

— Хў-ўш... Редько яна бир бор ҳаелидан кечирди: бўйи паст, мўйлов, пўстин. Булар ўхшаш. Кейин, хид бурқсияпти. Бу вокзал ёввойиси охири марта қачон ҳаммомда бўлганини зўрга эсласа керак. Пичок, қизлар ҳақидаги гаплар... Бир тан олаётганга ўхшайди, бир йўқ...

Кўп нарса тўғри келаётгандай. Кейин, жиноятчилар кўпинча ўзини шундай туттади. Аммо бу қурбонини айерона кузатадиган бешафқат босқинчидан кўра кўпроқ жиннига ўхшайди. Барибир умид бор. Ниманидир исботлаш керак. Ё айбдор, еки бегуноҳ. Тергов эксперименти, сўнг юзлаштириш.

Шубҳаланилаётган эриниб машинадан тушди ва аламлиди. Уни охири марта ҳужум бўлган уйга олиб боришганди.

— Танияпсизми? Хужум қилган подъездингизни кўрсатиб, воқеанинг қандай бўлганини гапириб беринг.

Йигит хингиллади, бир эшик томон бармоғини чўзди.

— Ҳм, қизчага ҳужум қилдим, ечинтирдим. Қайси қаватда? Эсимда йўқ.

Подъезд бошқа эди. Уни кўп “нуқта”ларга олиб боришди, бирорта уйни ҳам, подъездни ҳам тўғри кўрсатолмади. Бўлган воқеалар ҳақида жўяли гап айтолгани йўқ.

Редьконинг тобора қовоғи осилиб борарди. Йигит комедия қўяпти, масҳаралапти. Аммо нимага? Нега дахшатли жиноятни бўйнига олмоқчи? Кейин, ҳамон телбаларча илжайгани-илжайган. Қанақасига жиноятчи! Балки шундай устамонлик қилаётгандир? Бўлиши мумкин.

Зўрланган қизчалардан уч ёш йигитни кўздан кечиришни сўрашди. Орасида босқинчи йўқмикин?

— Йўқ.

— Йўқ.

— Йўқ.

Қизчалар навбат билан хонага киришди ва жиноятчинини таний олишмади.

— Хўп, етар жиннилик қилганингиз. Балки тенгакдирсиз, касалхонага текширишга юбориш керакдир?

(Давоми бер).

КИНОЛОГЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Ички ишлар соҳасида хизмат сакбонлигидан фойдаланиш нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўғрилари фойда этиш, жиноятчиларни аниқлаш ва уларни тутишда инсоннинг содиқ дўсти бўлиши — жониворлар ҳуқуқ посбонларига яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар. Қўриқлаш ва жиноят-қидирув соҳаларида хизмат итларидан фойдаланиш намунали йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ёрдамида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Наманган шаҳрида бу борада қилинган ишлар билан тажриба алмашиш, хизмат сакбонлигини янада ривожлантириш мақсадида

ривожлантириш учун тинимсиз интилиш лозимлиги ҳам маълум бўлди.

Мусобақа иштирокчилари тўрт тур бўйича ўз билим ва тажрибаларини намойиш қилишди. Улар қуйидагилардан иборат эди: ҳар хил тўсиқлардан ўтиш, тайёрловнинг умумий курси, тайёрловнинг махсус курси ва хизмат биатлони. Шу тўртала тур бўйича ҳам ўзларининг бошқаларга нисбатан чаққонликлари, эпчилликлари, ўз хизмат итлари билан тил топа билишдаги маҳоратлари билан Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси жамоаси биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Жамоа ҳисобидан иккинчи ўринни эса шу Бош бошқарма Қўриқлаш бошқармаси жамоаси олди. Учинчи ўрин Наманган вилояти ИИБ Қўриқлаш бўлими жамоасига тегишди.

Шахсий ҳисоб бўйича эса Фаргона вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ходими А.Тўхтасиновга тенг келадигани топилмади. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ кичик кинолог-инспектори Р.Меликулов олди. Учинчи ўрин ҳам шу бошқарма ходими Ш.Сотиволдиевга nasib этди.

Мусобақа милиционер-кинологларда ўз соҳаларига нисбатан янада қизиқишнинг

ортишига туртки бўлиб, уларда ўз билим-тажрибаларини доимий равишда орттириб боришга, хизмат янгиликларини мунтазам ўзлаштириб, хизмат итлари билан ишлашни яхшилашга, жисмоний чиниқишга бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қилди. Мусобақада иштирок этиш ходимларга хизмат итларини ўргатиш, улар ёрдамида жиноятчилар изига тушиш, тутиш, халқ хўжалиги объектларини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ишларидаги тажрибалар биланалмашиш, шунингдек, ўз билим ва имкониятларини намойиш этиш имконини берди.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш

лозимки, бу ҳамкорликда ўтказилган илк мусобақа бўлиб, унда асосан қўриқлаш ва жиноят-қидирув бўлиналари иштирок этишди. Бу ҳар иккала хизмат ходимлари учун ҳам бирдай фойдали бўлди.

Мусобақани ўтказишда Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти катта жонбозлик кўрсатди. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли мусобақа қизиқарли ва сермазмун ўтди. Унинг ўтказиш дастурида бир қатор маданий-оқартув тадбирлари ҳам режалаштирилган бўлиб, улар қатнашчиларнинг яхши дам олишини назарда тутар эди. Бу тадбирлар муваффақият билан амалга оширилди. Меҳмонларнинг бўш вақтлари сермазмун ўтишига хизмат қилган

Худойберган РИЗАЕВ



Ўзбекистон Республикаси енгиндан сақлаш хизматининг фахрийси, ички хизмат подполковниги Худойберган Маҳаматович Ризаев узок давом этган касалликдан сўнг, 56 ёшида вафот этди.

Худойберган ака умрини олов жабҳасининг жангчилари сафида туриб халққа хизмат қилишга бағишлади.

Ленинград енгин-техника билим юртида ўқиб юрган пайтидаёқ, у бурч амрига оғишмай амал қилди ва ўттиз йиллик хизмати давомида фидокорона ишлаб келди.

Халоллик, фидокорлик, қатъиятлик, софдиллик, ишчанлик Х.Ризаевнинг ажойиб фазилатлари эди. Унинг заҳматли меҳнати медаллар ва Республика ИИБ раҳбариятининг мукофотлари билан тақдирланган.

Умрининг охири йилларида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент енгин хавфсизлиги муҳандислари куллетидеда курс бошлиги бўлган Худойберган ака енгин хавфсизлиги мутахассис-муҳандисларини тарбиялаш ва тайёрлашга катта эътибор берди.

Х.Ризаев нафақадорликка чиққанда ҳам ўз куллетиде билан алоқасини узмади.


Худойберган Маҳаматович Ризаев хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий енгин-техника мактаби жамоаси.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ кинологларининг махсус хизмат кўйкураши бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув ва қўриқлаш бўлиналарининг 54 нафар сакбони хизмат итлари билан иштирок этишди. Улар 25 жамоа таркибиде эди.

Мусобақа давомида ички ишлар идоралари сакбонлари ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, унда бу соҳада ҳали жуда кўп ишлар амалга оширилиши, хизмат сакбонлиги даражасини янада



бу тадбирлар жараёнида қатнашчилар шаҳарнинг аҳамиятга молик жойларини зиёрат қилишди. Шунингдек, иштирокчиларга хизмат кўрсатиш аъло даражада амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, жуда сермазмун тарзда ўтган бу мусобақа унинг ҳар бир иштирокчисиде чуқур таассурот қолдирди.

Б.ДЎСМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги, мусобақа бош ҳаками.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Миннатдорчилик

ОМОН БЎЛИНГЛАР!

Турмуш ўртоғим ЖКБ инспектори, милиция лейтенанти Каримжон Сабриевнинг хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлганига ҳам ўн икки йил бўляпти. Аммо ҳамкасблари сира эсларидан чиқаришгани йўқ. Ҳар доим ҳолимиздан хабар олиб туришадиде. Хафа кўнларимизда ҳам,

хурсандчилигимизда ҳам шерик улар. Айниқса, оила аъзоларимиз билан Тошкент вилояти ИИБ бошлиги, милиция генерал-майори Н.Исмоилов, Олмалик шаҳар ИИБ бошлиги, милиция майори М.Мирзаев ва муовини, милиция подполковниги М.Юнусовлардан жуда хурсандмиз. Уларга катта раҳмат, бахтимизга омон бўлишин.

Манзура САБРИЕВА.

БУЮМЛАРИМНИ ТОПИШДИ

Мен милициянинг ибратли ишларини эшитиб юрдиму, лекин гувоҳи бўлмагандим. Шу йил августда бахтсиз ҳодиса туфайли ўзим иштирок этишимга тўғри келиб қолди. Ўғрилари уйимиздан телевизор, магнитофон ва бошқа нарсаларимни ўмариб кетишди. Милиция ишнинг нихойтда мураккаблигини ўшанда кўрдим. Ходимлар ўғриларини тўрт кун деганда тутиб, йўқолган

нарсаларимни тўла қайтариб беришди. Қидирув ишларини Пастдаргом тумани милиция бошлиги Х. Абдуллаев, жиноят-қидирув бўлими бошлиги Н. Худойбердиев, катта терговчи А. Ҳасанов, тезкор вакил М. Омонов, участка вакили М. Орилов, милиция сержанти Ф. Рофиевлар олиб бордилар.

Мен уларга кечаю кўндуз қилган тинимсиз меҳнатлари ва маҳоратлари учун чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Гулсара ҚУВАЕВА.

О Б У Н А - 9 4

Барча нашрлар қатори «Постда» — «На посту» газеталари учун ҳам обуна мавсуми бошланди. Биз «келгуси йили ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз» қабиллидаги қоп-қоп ваъдаларни бермаймиз. Чунки «тилимиз кўйган». Фақатгина эслатиб қўймоқчимиз: 1994 йил учун «Постда» — «На посту»га обуна бўлганлар ютқазинмайди! Бунга, насиб этса, келаси йили ўзингиз амин бўласиз.

Яна бир нарсa. Газеталаримиз баҳоси бошқа нашрларга қараганда нисбатан арзон. Яъни ҳар бир газета баҳоси: бир йилга — 4680 сўм, олти ойга — 2340 сўм, уч ойга — 1170 сўм. Нашр кўрсаткичлари: 64615 ва 64616. Биз сизни ишонтирляимиз. Сиз ҳам бизга ишонинг!

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бекобод шаҳар ИИБ ДАНБ нозири, милиция сержанти

Нуралӣ Тўраевич УММАТОВнинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ДАНБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Юрий Адамович Березкога онаси **Хатима Зокировна КУЧКАРЁВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 606, 32.939 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табок. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.